



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2022-yil 4-fevral / № 4 (4663)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИМАДАНИЯТ ВА САЊАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томоша тadbирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий қолғулар, мусиқа дарсликларини, ноталар тўпламларини ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш мақсадиди, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ;

1. 2022–2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг мусиқий билим ва кўникмаларини ошириш, уларнинг қал-

бида миллий маданиятга бўлган муҳаббатни шакллантириш, ёш истеъдодларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилансин:

а) умумий ўрта таълим муассасаларида: мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган **миллий мусиқа қолғуларидан камида биттасида куй ижро этиш маҳорати** ўргатилади ҳамда бу ҳақда уларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (шаҳодатнома) тегишли қайд киритилади;

мусиқа фани учун ҳафтасига белгиланган бир ўқув соати ҳамда унга қўшимча равишда **ҳар ҳафта миллий мусиқа қолғуларидан куй ижро этиш амалий тўғараклари ва факультатив дарслари ўтказилади;**

мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий қолғулардан камида биттасида, 2023–2024 ўқув йилидан бошлаб эса камида

учтасида куй ижро этиш маҳорати (кейинги ўринларда — амалий тўғараклар) ташкил этилади;

мусиқа фани учун ажратилган ўқув соатлари доирасида **“Ҳаётимга ҳамроҳдир қолғу”** шiori остида қолғу ижрочилиги дарс машғулотлари йўлга қўйилади;

ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётлар билан таъминлаш умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тизимига киритилади;

ўқувчиларнинг дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадиди уларнинг қизиқишларига кўра миллий мусиқа қолғуларидан **куй ижро этиш маҳорати, тасвирий ва амалий санъат, ҳунармандчилик** йўналишларида амалий тўғараклар (кейинги ўринларда — амалий тўғараклар) ташкил этилади;

амалий тўғараклар раҳбарларига “Баркамол авлод” болалар мактаблари тўғарак раҳбари учун белгиланган базавий тариф ставкалари қўлланилади; амалий тўғаракларни олиб бориш ҳисоби “Электрон кундалик” дастури орқали амалга оширилади ҳамда ҳар чоракда тўғарак иштирокчиларининг ҳисобот концертлари ташкил қилинади; мусиқа санъати бўйича профессионал таълим ҳамда олий таълим тўғрисидаги ҳужжатга эга бўлган, камида 3 та миллий мусиқа қолғуларидан маҳорат билан куй ижро эта оладиган мутахассисларни **асосий иш жойидан бўш вақтида у ердаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини сақлаб қолган ҳолда** ўриндошлик асосида умумий ўрта таълим муассасалари мусиқа фани ўқитувчиси ва мусиқа йўналишидаги тўғарак раҳбари лавозимига тўлиқ ставкада ишга қабул қилишга рухсат берилади;

9 февраль — Алишер Навоий
таваллуд тоғлан кун

Алишер НАВОИЙ

ҲАЗАЛ

Ошиқ ўлдум, билмадим, ёр ўзгаларга ёр эмиш, Аллоҳ-Аллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Қаддига эл майли бўлгондин кўнгул озурдадур, Ул алифдин зорларнинг ҳосили озор эмиш.

Элга новак урди, мен ўлдум, эрур бу турфақим, Жоним эткан реш эл бағрига кирган хор эмиш.

Риштаким муҳлик ярам оғзига тиктим, англадим, Ким қафан жинси қироғидин суворгон тор эмиш.

Кўйи деворидин оғриқ танга тушкон соядек, Сели ғамдин эмди соя ўрнига девор эмиш.

Жонга тахвиқ айладим тиги ҳалоқидин анинг, Билмадим, бу иштин ул ўлғунча миннатдор эмиш.

Эй Навоий, ҳўбларни кўрма осонлиғ била, Ким бировким солди кўз, узмак кўнгил душвор эмиш.

УЛУҒ ШОИРГА
ТАШАККУР

Дунёда шундай улў зотлар бўладики, уларнинг сиймосини саҳнада, экранда ёки телевидениеда жонлантириш учун ҳар қандай актёр ҳам журъат этавермайди. Дунё тамаддунида бетақдор ўрнига эга бўлган миллий таълимнинг фахри, ўзбек шеърятининг бобоқалони, улў мутафаккир ва беназир шоир Мир Алишер Навоий бобомиз ана шундай буюк шахслар сирасидандир.

Бизнинг театр санъатимиз тарихида ҳам бу муборак зот сиймосини яратишга ҳазм этган актёрлар кўп эмас. Аббор Ҳидоят, Олим Ҳўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби театр санъати дарғалари ижросидаги Алишер Навоий образини кекса авлод вакиллари ҳамон ҳаяжон билан эслайдилар. Шубҳасиз, бундай зотлардан сўнг улў мутафаккир образини яратишга қўл уриш осон эмас.

Шукурлар бўлсинки, улў устозларимиз қатори менга ҳам саҳнада ва телевидениеда Алишер Навоийдек шахс образини яратиш насиб этди. Ўшанда ўтган асрнинг 90-йиллари боши эди. Мутафаккир ҳақидаги спектаклни Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов янги талқинда саҳналаштиришга киришди. Асарнинг олдинги вариантига режиссёр баъзи ўзгаришлар киритди. Жумладан, Навоий образини икки йўналишда берилди. Яъни саҳнада шоирнинг кексалиги ва ёшлиғи намойён бўлади. Алишер Навоийнинг режиссёр даврини мен, ёшлигини эса театримизнинг истеъдодли актёри Рихсилла Абдуллаев ижро этди.

Алишер Навоий образига киришишдан олдин устоз санъаткорлар ижросини яна бир бор кўз олдимга келтирдим. Мен шоирнинг кексалик даврини гавдалантираётганим учун улў ёшдаги шоир тафакку-

рининг янада мукамал ҳолатини кўрсатиб беришим, улўворлигини бор бўй-баста билан томошабинга етказишим зарурлигини чўқур ҳис қилдим. Ана шу ҳолатлар зиммамдаги маъсулиятнинг залвори қанчалар оғир эканини англади. Албатта, ҳазрат Навоий образини қай даражада ҳаққоний ва томошабинга маъқул келадиган тарзда саҳнада гавдалантириганим борасида ўша пайтда мутахассислар ҳамда мухлислар ўз хулосаларини айтдилар. Лекин асосий масала шундаки, бу образ ижодий ҳаётимнинг гавҳари, бошқа ролларимнинг гултожи бўлиб қолди.

Муҳими шундаки, ўтган асрнинг саксонинчи йилларида режиссёр Мақсуд Юнусов бошчилигида суратга олинган “Алишер Навоий” номли кўп қисмли телевизион спектаклда Ҳазрат ролин ижро этганим катта саҳнада яратган Навоий образи учун пойдевор бўлди. Бугун мен “Энг бахтли санъаткорлардан бириман”, деб айта оламан. Ижодий биографиям бебаз турган улў Алишер Навоий образи менга шундай ҳуқуқни беради, десам муболага бўлмас.

Барчаси учун Навоий ҳазратларига та-шаққур!

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
Давлат мукофоти совриндори

2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ МОҲИЯТИ
юртдошларимизнинг эркин ҳаёти ва фаровон турмушини таъминлашдир

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” деган сўзлар лўғатимизга, ҳаётимизга кириб келганда кўплар шубҳа билан қараганди. Бугун шу рўйхатга кирган оилалар ҳаёти, тақдири кўз олдимизда ўзгариб, улар ҳам жамиятда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Кўплаб юртдошларимиздан бири бўлган Мадина Очилова қатор йиллардан бери ёлғиз боши билан уч нафар вояга етмаган фарзандини бир ўзи тарбиялаб келади. Ҳар қанча ҳаракат қилса-да, ҳаётнинг қийинчиликлари олдида ожизлиги панд бераверарди. “Аёллар дафтари” жорий этилди-ю, барчаси ўтмишда қолди.

Бу давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, ишсиз, умуман, қўллаб-қувватлаш зарур бўлган фуқароларга давлат томонидан манзилли кўмаклаштиришнинг бир кўриниши, ҳолос.

Ушбу тизимнинг яна бир жиҳати, у одамларни менга пул бериларкан, деган фикр билан яшаш эмас, балки ўз даромадига эга бўлиш, иқтисодий имкониятларини яхшилашга ҳаракат

ЯНГИ ДЕНОВНИНГ
МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Айни кунларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Маънавият ва маърифат маркази Денов тумани бўлини маси раҳбари Тоштемир Турдиев умрининг саксонинчи баҳорини қаршиламда. Унинг Дақиқий, Фаррухий ва Чагонийдан тортиб бугунгача Деновда яшаб ижод қилаётган бир неча асрлик ижодкорлар сулоласи ижоди намуналари ҳамда таржimai ҳолига оид маълумотларни ўз ичига олган “Чагонийнинг тараннуми”, “Қуёш ардоғидаги юрт”, “Денов тафаккур чароғлари” сингари йигирмадан ортиқ китоби чоп этилган. Қарийб олтимиш йиллик ижодий фаолияти мобайнида адиб адабиёт, маънавият ва маърифат тарғиботчиси,

фольклоршунос олим, адабиётшунос сифатида илмий, бадий, публицистик аҳамиятга молик кўплаб мақолалари билан нафақат туман ёки вилоят, балки республика миқёсида танилди.

Тоштемир Турдиевнинг шоира Раъно Узоқова ҳаёти ва ижодида бағишланган “Субҳидам қалдирғочи” номли китобини буюк давлат ва жамоат арбоби, атоқли адиб Шароф Рашидов ҳам эътироф этган. Айниқса, унинг Ўзбекистон халқ бахшиси Хўшобқ Мардонақуловдан ёзилган “Алломиш” достонининг Сурхондарё варианты фольклоршунослик соҳасида янгилик бўлди. Бундан ташқари, устоз адабиёт ва маърифат ҳомийси, қолаверса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида кўплаб ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг китоблари чоп этилишига бош-қош бўлиб келмоқда.

Қўйида эълон қилинаётган мақолада бутун умрини Ватан равнақи ва маънавият соҳаси ривожига бағишлаган таниқли ижодкорнинг эл-юртга самимий муҳаббати ифода-ланган.

Шўҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор

«МАНГА УЛ КИМ
АНИСУ СОҲИБДУР...»Алишер Навоийнинг дўстлари ҳақида
Биринчи мақола

Алишер Навоий умрининг охиридаги ўзи билан ҳамнафас бўлган ва ҳар доим уни қўллаб-қувватлаб юрган дўстлари ҳақида қимматли хотираларини ёзиб қолдирган. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асари Абдурахмон Жомийга бағишланган. У Навоийга устоз макомда бўлган дўст эди. Уларнинг яқинлиги шу даражада эдики, дунёқарашлари, фикр-мулоҳазалари, интилиш ва уй-ҳаёллари бир хил бўлиб кетганди. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да келтирилишича, Абдуллоҳ Котиб Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”сини тоғиб, қўчириб китобат қилади ва уни Навоийга жўнатади. Навоий шундай ёзади: “Фақир ул рисолаанинг аввал саҳифасини очиб, ҳўбасин ўқумок бунёд қилдим, бу ҳаёл билаким, бир саҳифа ёғаяш бир варақ ўқулғай, андоқки эл маъҳудидур, сўзнинг ҳўблуг ва равонлиғидин ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроқ эди — итмомга етти. Мажлис ҳўззори воқиф бўлўб, таажўб қилдиларким, бир рисолаким, икки жузвга яқин, балки ортуғроқ бўлғай, бир таажўб била боштин-оёқча ўқумок холи аз ғаробат эмас.

Тонгласи мавлоно шайх Абдуллоҳ келди, то китобин ё баҳосин олган. Баъзи анга айтдиларким: “Фалон, яъни банда бу китобни аввалдинким ўқумок бунёд қилди, ту-гагунча илиқдин қўймади”.

Ул таажўб юзидин дедиким: “Ҳазрати маҳдумий хизматлариға ҳам элта бердим, аларға ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди”.

4

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИМАДАНИЯТ ВА САЊАТ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

музыка фани ўқитувчиларини камида учта миллий музыка чоғулариди куй ижро этишга ўргатиш **халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими доирасида амалга оширилади**, бунда қайта тайёрлаш (малака ошириш) курсларида машғулот олиб бориш учун маданият ва санъат соҳаси вакиллари шартнома асосида жалб этилади;

б) **умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида:**

Ўзбекистон давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бошқа маданият муассасалари билан ҳамкорликда **лекторий концертларини** ўтказиш йўлга қўйилади;

лекторий концертлари таълим ва маданият муассасаларида ташкил этилади, ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг музикаий маданияти ва саводхонлигини юксалтиришга, эстетик диди, дунёқарашини кенгайтиришга ва музикани ҳис қилишга қаратилган амалий машғулотлардан иборат бўлади;

лекторий концертларининг ўтказилганлиги ҳақида тегишли таълим, маданият муассасаси, туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки бошқа масъул ташкилот раҳбари ва Ўзбекистон давлат филармонияси бош директори томонидан далолатнома тузилади;

лекторий концертларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджет маблағлари (умумий ўрта таълим муассасаларида) ва бюджетдан ташқари маблағлар (олий таълим муассасаларида) ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан далолатнома асосида молиялаштирилади;

Маданият вазирлиги ҳайъати қарори билан умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида маданият ва санъат соҳасидаги давлат мукофотлари билан тақдирланган ижодкорлар раҳбарлигида уларнинг **“маҳорат мактаблари”** ташкил этилади;

“маҳорат мактаблари” раҳбари бўлган ижодкорлар Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда базавий ҳисобидан миқдорининг **ўн беш баравари** миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириб берилади;

в) **умумий ўрта таълим муассасалари, болалар музика ва санъат мактаблари, маданият марказлари:**

2022-2024 йилларда мазкур қарорга 1а-иловада белгиланган режа-жадвалга мувофиқ 3 тадан миллий музика чоғуларини тўпلامлари билан таъминланади;

миллий музика чоғуларини тўпلامлари билан таъминлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлардан тенг улушларда ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

миллий музика чоғуларини тўпلامлари Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан марказлашган тартибда харид қилинади ва тегишли давлат муассасаларида етказиб берилади, бунда харид комиссиясининг таркибига миллий музика чоғулариди куй ижро эта олувчи юқори малакали мутахассислар киритилади, чоғулар улар томонидан синаб қўрилади;

г) **ҳар йили:**
ўқувчилар ва талабалар ўртасида мазкур қарорга 2-иловадаги рўйхат бўйича “таълим муассасаси – туман (шаҳар) – вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) – республика” кесимида маданият ва санъат соҳасидаги **республика кўрик-танловлари** ташкил этилади;

республика кўрик танловларининг “таълим муассасаси” босқичида тегишли таълим муассасаси жойлашган маҳалладаги ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш ёшлар етакчилари ва маданият марказлари зиммасига юкланади.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) **Халқ таълими вазирлиги** (Б.О. Саидов) 2022 йил 1 июнга қадар:
ҳар бир умумий ўрта таълим муассасаларида директор буйруғи билан амалий тўғрақлар ташкил этилишини, бу ҳақида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хабардор қилинишини таъминласин;

умумий ўрта таълим муассасаларида музика фани ўқитувчиларига бўлган талаб ва келгусидаги эҳтиёжни мунтазам равишда таҳлил қилиб бурсин, заруратга кўра, Маданият вазирлиги билан биргаликда музика фани ўқитувчиларини тайёрловчи олий таълим муассасаларига буюртмалар бериб бурсин;

б) **Маданият вазирлиги** (О.А. Назарбеков) икки ой муддатда:

музикаий саводхонлиқни оширишга қаратилган лекторий концертларининг бадий дасурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Д.Н. Саттаров) билан биргаликда музика чоғуларини ишлаб чиқарувчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда мазкур қарорга 1-иловадаги рўйхатда келтирилган миллий музика чоғуларини ишлаб чиқариш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

3. Куйдагилардан иборат **2022 йилда республика миқёсида ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси** (кейинги ўринларда – 2022 йил учун календарь режа) тасдиқлансин:

2022 йилда Ўзбекистон Республикасида халқаро ва республика миқёсидаги фестивалларни ўтказиш режа-жадвали 3а-иловага мувофиқ;

2022 йилда Маданият вазирлиги томонидан **“Маданият карвони”** шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режа-жадвали 3б-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон давлат филармонияси** таркибиди бадий жамоалар томонидан унинг ҳудудий бўлимлари билан бирга концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режа-жадвали 3в-иловага мувофиқ;

2022 йилда **Ўзбекистон миллий ва давлат симфоник оркестрлари, Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли ва “Ўзбек давлат цирки”** давлат муассасаси ижодий (бадий) жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш режа-жадвали 3г-иловага мувофиқ;

2022 йилда Маданият вазирлиги тизимидаги **давлат театрлари** жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш режа-жадвали 3д-иловага мувофиқ;

2022 йилда Ўзбекистон **миллий симфоник оркестри** ва Ўзбекистон **давлат симфоник оркестрининг** Тошкент шаҳрида йирик концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 3е-иловага мувофиқ;

2022 йилда республика миқёсида **касб байрамларини нишонлаш** муносабати билан ташкил этиладиган концерт-томоша тадбирлари рўйхати 3ж-иловага мувофиқ;

2022 йилда ҳудудлардаги маданият муассасалари томонидан ўзаролик тамойили асосида бошқа ҳудудларга гастроль сафарларини, ҳудуднинг “маданият кунлари” тадбирларини ташкил этиш режа-жадвали 3з-иловага мувофиқ;

4. 2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):
2022 йил 1 июнга қадар “Маданият карвони” учун мўлжалланган, тегишли музика техникаси ва сахнага эга 2 донa махсус автотранспорт воситасини харид қилсин;

вазирлик тизимидаги концерт-томоша муассасалари, цирк ва театр ходимлари орасидан “Маданият карвони” таркибига киритиладиган ижодкорлар (доимий аъзолар ва муайян тадбирларда иштирок этувчилар) рўйхатини шакллантирсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

бир ой муддатда ўз ҳудудларида 2022 йилда ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаларини тасдиқласин;

2022 йил учун календарь режада белгиланган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши учун зарур ташкилий масалаларни ҳал қилсин;

ўзаролик тамойили асосида ўз ҳудудида фаолият яратётган маданият муассасалари жамоаларининг бошқа ҳудудларга гастроль сафарларини, ҳудуднинг **“маданият кунлари”** тадбирларининг самарали ташкил этилишини таъминласин;

в) Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдухакимов) 2022 йил учун календарь режага киритилган тадбирларни **маҳаллий ва хорижий туристлар орасида** кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин, туристлар оқимининг ўзгаришини инобатга олиб календарь режага ўзгаририш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни доимий равишда Маданият вазирлигига тақдим этиб бурсин;

г) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда “Маданият карвони” учун мўлжалланган, тегишли музика техникаси ва сахнага эга 2 донa махсус автотранспорт воситасини харид қилиш учун Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан қўшимча **20 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

5. Барча давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ҳар чоракда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, концерт, цирк ва театрларга кириш учун билет ва абонементларни харид қилиш амалиётини жорий этсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), ҳўжалик жамиятлари муассиси бўлган бошқа давлат органлари бир ой муддатда устав фондиди (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган ҳўжалик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарининг бошқарув органлари йилгилишларида ушбу ташкилотлар буюртмаси асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш вазифасини бизнес-режага киритиш бўйича ташаббус билан чиқсин.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) ҳудудий бўлимлари билан биргаликда ҳар ойнинг 25-санасига қадар барча даражадаги давлат бошқарувчи органлари, муассасалари, корхоналари ва ҳўжалик жамиятларига улар жойлашган ҳудудда келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирлари ҳақида маълумот бериб бурсин.

6. Белгилансинки, 2022 йилдан бошлаб **маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўйидаги қўшимча чоралари** жорий этилади:

а) Маданият вазирлиги томонидан **“Инсон қадрини учун”** эзгу ғояси асосида ҳар йили қуйидагилар учун **давлат буюртмалари берилади:**

театрларда сахналаштириладиган камида 40 та **янги спектаклга;**
композиторлар ва бастакорларга 40 та **янги музика асарлари**, шу жумладан, **опера, симфония, оратория** каби мумтоз ва замонавий жанрлар, хусусан, эстрада бўйича асарлар яратишга;

камида 100 та **юксак бадий савиядаги Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратишга** (кенг оммалашган 20 та аудиовизуал асар ижодкорлари Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади);

камида 150 та **энг яхши миллий кўшиқлари кароке ёрдамида ижро қилиш** учун қайта ишлашга;

атоқли ижодкор-зиёлилар, аҳоли орасида юксак ҳурматга эга санъат ва ижод вакиллари томонидан олис ва чекка ҳудудлар аҳолиси, ушбу ҳудудлардаги таълим муассасалари ўқувчилари билан **ижодий учрашувлар ўтказишга** (бир йиллик режа-жадвал ҳамда Маданият вазирлиги билан тузиладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида);

таълим муассасалари (танасфуд пайтида), аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, савдо-кўнгилочар мажмуалар, маданият ва истироҳат боғлари, хийбоналар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотларнинг локал ташкилотлари орқали зийитириладиган ва ташриф буюрувчиларнинг руҳиятига ижобий таъсир қиладиган **миллий куйлардан**

иборат музикаий альбомларни тайёрлаш ва оммалаштириш ишларига (муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда);

б) аҳоли орасида кенг оммалашган Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда **“Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги”** номли саҳифалар ташкил этилиб, улар орқали Жамғарма маблағлари ҳамда саҳифаларни юритишдан келиб тушган маблағлар ҳисобидан **Ўзбек халқини миллий маданиятини тарғиб этувчи куйидаги танловлар жорий этилади:**

музика чоғулариди (миллий, опера, симфония, оратория, эстрада, бошқа мумтоз ва замонавий жанрларда) бажарилган энг яхши 100 та ижро;

энг яхши 100 та миллий кўшиқ;

энг яхши 100 та миллий музикаий клип; кароке ёрдамида кўшиқ ижро қилишга мўлжалланган, энг яхши 100 та музикаий композиция (кўшиқ матни билан);

давлат ва хусусий театрларда сахналаштирилган энг яхши 50 та спектакль.

Бунда, ҳар бир йўналиш бўйича ғолиблар йил давомида жойлаштирилган ва ҳар йили 15 декабрь ҳолатига фойдаланувчилар томонидан энг кўп қўрилган ижролар орасидан аниқланади ҳамда Маданият вазирлиги ҳайъатининг қарори билан тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади;

в) юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда айланмадан солиқини ҳисоблашда **солиқ солинадиган база** ушбу ташкилот ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш, шу жумладан, ушбу тадбирларга кириш учун билетлар харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайитирилади, бунда мазкур чегириладиган маблағлар солиқ солинадиган базанинг 2 фоизидан ошмаслиги лозим;

г) миллий музика чоғу асосларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якуналари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ташкилотлар учун **айланмадан солиқ** ва **ижтимоий солиқ ставкаси** 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар **1 фоиз** этиб белгиланади;

д) Маданият вазирлигига ўз тизимидаги барча ташкилотлар учун бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш нисбатини (моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамда ходимлари ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига) **мустақил белгилаш ҳуқуқи** берилади.

7. Мазкур қарорнинг 6-бандида белгиланган маданият ва санъат соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини ўз вақтида ва тўлиқ жорий этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков):
юксак бадий савиядаги аудиовизуал асарларга давлат буюртмаларини жойлаштиришда уларнинг миллий адабиёт ва шеърятимизнинг нодир дурдоналари асосида яратилиши, истеъдодли ижодкорлар томонидан маҳорат билан бадий ўқиш, монолог ва бошқа шаклларда, шунингдек, хорижий тилларда ижро қилинишига, алоҳида эътибор қаратсин;

бир ой муддатда Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги” номли саҳифаларни ташкил этсин, уларни доимий равишда кенг жамоатчилик орасида оммалаштириш чораларини кўрсин, саҳифалар фаолиятини ташкил этишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя қилинишини қатъий назорат қилсин;

б) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда тегишли солиқ имтиёзларини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгаририш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон фармонида асосан Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:
а) Жамғарма маблағлари республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар, Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар фойдасининг муассисга йўналтириладиган қисми ҳамда қонунчиликда белгиланган ёки тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади;

б) қуйидаги тадбирлар Жамғармага Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

“маҳорат мактаблари” раҳбари бўлган ижодкорларни қўшимча моддий рағбатлантириш;

оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режаси асосида “Маданият карвони” шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини, Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбек миллий мақом санъати маркази, Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли, “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси, давлат театрлари, Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва Ўзбекистон давлат симфоник оркестри томонидан концерт-томоша тадбирларини ўтказиш;

“Инсон қадрини учун” эзгу ғояси асосида Маданият вазирлиги томонидан бериладиган давлат буюртмаларини молиялаштириш; “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги” номли саҳифалар орқали ташкил этиладиган танловлар ғолибларини тақдирлаш;

Маданият вазирлиги тизимидаги муассасалар томонидан ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг рекламасини ташкил қилиш, телеканаллардан эфир вақтини сотиб олиш; қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):
ушбу қарорда амалга оширилиши белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага 2022 йилда **жами 50 миллиард сўм**, шундан, **25 миллиард сўмни** 2022 йил 1 мартга қадар, **қолган 25 миллиард сўмни** ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишига қараб, Маданият вазирлигининг сўровига асосан **ажратсин**; ушбу қарор билан Маданият вазирлигига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун 2023 йил Давлат бюджетини параметрларида Жамғармага **50 миллиард сўм** назарда тутсин.

10. Маданият ва санъат соҳасидаги ижодкорларни ҳар йили бир маротаба тақдирлаш мақсадида **Маданият ва санъат миллий мукофоти** таъсис этилсин.

Маданият вазирлиги икки ой муддатда маданият ва санъат миллий мукофоти билан тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари қарори билан **маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан** ушбу ҳудудда узоқ йиллар самарали фаолият олиб бorgan маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳамда истеъдодли ёш ижодкорларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг **50 фоизини** миқдорда, бирок Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон фармонида мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг **50 фоизидан** юқори бўлмаган миқдорда **субсидия** берилади.

12. Ҳудудий маданият органлари тузилмасидаги намунавий мақом ансамбллари негизиди амалдаги молиялаштириш тартиби ва штат бирикларини доирасида юридик шахс мақомига эга бўлган **Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ҳудудий бўлимлари** ташкил этилсин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканали Маданият вазирлигининг **Бош ахборот ҳамкори** этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Маданият вазирлиги томонидан намоиш этишга тайёр ҳолда тақдим этиладиган материаллар “Маданият ва маърифат” телеканалида **томошабинлар учун қулай бўлган вақтларда бепул эфирга узатилади**; республика телеканалларидан **томоша-бинлар учун қулай бўлган** эфир вақтлари Маданият вазирлиги томонидан сотиб олинди ва ушбу вақтда вазирлик тақдим этган материаллар эфирга узатилади;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидидаги телеканалларда **ҳар ҳафтада аниқ бир вақтда** вазирлик тақдим вазирлиги учун эфир вақти ажратилади;

телеканаллар фаолиятига тааллуқли тегишли лицензия талаблари ва шартлари-га миллий маданиятимиз дурдоналарини, шу жумладан, миллий чоғуларда асарлар ижро этилишини эфирга бериш талаблари киритилади.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) бир ой муддатда телеканаллар фаолиятини лицензиялаш бўйича қонунчиликка ўзгаририш киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Куйидагилар:

2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ;

Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасасини автобус ва юк транспорт воситалари билан таъминлаш режаси 5-иловага мувофиқ;

Давлат бюджетини маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар) маданият бўлимлари-ни махсус автотранспорт воситаси билан таъминлаш режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ушбу бандда тасдиқланган “йўл харитаси” ва режаларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканлиги белгилансин.

15. Молия вазирлиги 2022 йил олти ойлик якуни бўйича Давлат бюджетини харажатларини мақбуллаштириш ҳисобига ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мабоси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсиясига таклиф киритсин, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетини параметрларини ишлаб чиқишда зарур маблағлар назарда тутилишини таъминласин.

16. Муассаса ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича ўзларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ёки таъминлаш мақсадида хориждан импорт қилиб олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган музика чоғуларини, овоз кучайтиргич мосламалар, техник жиҳозлар, чироқлар, махсус либос ва оё

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТУБ МОҲИЯТИ

юртдошларимизнинг эркин ҳаёти ва фаровон турмушини таъминлашдир

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бунинг натижасида бугун маҳалла — аввалгидек одамлар шунчаки келиб-кетадиган идора эмас, балки аҳолини ислохотларга сафарбар этадиган, жамиятнинг барча қатламларини изчил ҳаракатга келтирадиган фаол ижтимоий тузилма сифатида намоён бўлмоқда ва шунга монанд унинг маъкеи ҳам, ваколати ҳам юксалди. Одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтadиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Маҳалла аҳли бир оила каби ишончли, мустақкам ришталар билан ўзаро узвий боғланиши керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари, профилактика инспектори ҳар бир оила аҳволидан, қувонч ташвишидан доимо хабардор бўлиши, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик тарғиботчисига айланиши лозим. Шундагина одамлар маҳаллага келиб ўз фикрини, таклифини, дардини бемалол айта олади, муаммосига ечим топади».

Бугун халқимиз ислохотлар самарасини кундалик турмушида тўла-тўқис ҳис қилмоқда. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида оддий қишлоқ фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, дунёқароши ва ҳаётга бўлган муносабатини ўзгартириш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали уларнинг фаровон яшашини таъминлаш каби эзгу сано-ҳаракатлар бунинг исботидир. Мустақил юртимиз тарихида янги саҳифа очган бундай хайрли бунёдкорликлар инсонларнинг эртанги кунга ишончини янада мустақкамлаётир.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Дарҳақиқат, ҳаракатлар билан бирга, ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар ҳам борки, бу фаолиятимизни яна бир қарра «чигирикдан ўтказишни тақозо этади. Шу боис бевосита Президентимиз ташаббуслари билан «Маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этилди. Мазкур тизим юртимиздаги ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, маҳалланинг «ўсиш нуқта»ларини аниқлаш имконини берди. Шу асосда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ҳаёт тарзидан келиб чиқиб, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ва камбағалликни қисқартириш режалари ишлаб чиқилди.

«Маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш асосида «огир» маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашув — Андижон тажрибаси ташкил этилиб, ушбу тажриба республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам кенг тadbик этилди. Тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш учун «огир» маҳаллаларга бириктирилган «етақчи» тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатга йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилмоқда. Қувончлиси, республикада жами 500 та маҳалла «огир» маҳалла деб топилди, уларнинг ҳар бирига 200 минг доллардан маблағ ажратилиши белгиланди.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ

Президент ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимини жорий этилгани ҳам беҳис эмас. Улар маҳаллада тадбиркорларнинг лойиҳаларига ёрдам бериш, аҳолини касб-хунарга ўргатиш, томорқа, бўш ер ва бинолардан унумли фойдаланиш, маҳаллани обод ва кўркем бўлишига қўмаклашади. Бу орқали янги иш ўринлари яратиш, жон бошига

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Тарих, умуман, ўтмиш камол топиш ва заволга юз тутиш силсиласидан иборат: бу қисмат ҳеч бир тамаддунга бегона эмас, қайсидир маънода, келажак ўтмишда суратланиди, тарих шу боис ҳам биз учун азиздир. Деновнинг тарихини айтиверсак, катта бир дoston бўлади. Шаҳарнинг қок марказида бундан беш юз йил илгари қурилган Саййид Оталиқ мадрасаси рўпарасидаги «ғизни»ни ўтган асрнинг йиғирманчи йилларида «эскилик сарқити» сифатида бузиб, беш юз йилдан бери қилт этмай турган пишққ гишларни турли мақсадлар учун ишлатиб юборишган. Аммо ҳозир бу ҳақда эмас, хайрли тасодиф тўғрйли сакланиб қолган Саййид Оталиқ мадрасасининг истиқлолимиз учун нечоғли аҳамиятли экани ҳақида гапирмоқчиман. Мен унинг тимсолида буюк қадриятларимизнинг завол билмас тимсолини кўргандек бўламан.

Ҳар жойининг ўз ҳақиқатлари ва уларни меъёрга ушлаб турадиган азалий қонун-қоидалари бор. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ўлчамлар Деновга ҳам тўла тааллуқлидир. Оламнинг, одамнинг тўрт унсурдан таркиб топганини ҳамма билади. Буни қарангки, Деновда бу унсурларнинг ҳаммаси соз.

Денов айна чўллар тугаб, тоғлар бошланадиган минтақага тўғри келади. Ёзи салқин, киши мўътадил. Шунинг учун ҳам бир вақтлар Деновда шаҳарқамши етилишгачан. Денов хурмоси Ўзбекистондан ташқарида ҳам машхур. Тўғри, қўшни туманларда, ҳатто бошқа вилоятларда ҳам хурмони ўстириш мумкин, аммо бирор жойда Деновдагичалик хурмо серхосил ва ширин бўлмайди.

Деновнинг марказида Дендрарий боғи бор. У ерда қандай дарахтлар ўсмайди, дейсиз. «Попа» дарахтини кўриб, бу дунёнинг турган-битгани мўъ-

даромадни ошириш ва камбағалликни қисқартиришга масъул бўлади.

Эътиборлиси, Президент назарда тутган «ҳоким ёрдамчиси» лавозимига олиё маълумотли, иқтисодийёт соҳасида камиди икки йил меҳнат тажрибаси — маҳалладаги мавжуд имконият ва муаммолардан яхши хабардор, тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг бизнес лойиҳа ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тажрибасига эга бўлган фуқаролар тайинланди.

Дарҳақиқат, ҳудудни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имкониятларини кўра олиш ва бу борада керакли чораларни амалга ошириш ҳар қандай маҳалла раисининг ҳал қўлидан келадиган иш эмас. Қолаверса, «ҳоким ёрдамчиси» деган мартаба кўп муаммоларнинг ечимини оsonлаштиради.

АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Бугунги ёшлар жуда зыйрак ва интиливчан, фақат уларни тўғри йўналтириб, зарур шароитлар яратиб берилса, бас. Афсуски, бу ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Номигагина туман марказларида фаолият юритаётган Болалар ижодиёт марказларини айтмаса, аксарият маҳаллаларда бирор бегул тўғарақ, маданият масканлари йўқ. Болалар ва ёшларни бирлаштирадиган, уларнинг қизиқиш ва интилишларини рағбатлантирадиган танлов ва тадбирлар ҳам изчил ўтказилмайди.

Болалигим ўтган маҳалла болалари эса ҳамон мол боқиб, ота-онасига деҳқончилик юмушларида қўмаклашиб юрибди. Улар учун на бирор тўғарақ бор, на спорт майдончаси, на мотивация берадиган ташкилот. «Ўзинг учун ўл етим» деганларидек, баъзилари уриниб, туртини, мақсадлари сари оидмалапти. Аксарияти мактабни битирар-битирмаса, иш излаб пойтахтга, чет элларга кетишмоқда...

ЭНДИ БУНДАЙ БЎЛМАЙДИ

Президент яқинда қабул қилган «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан, эндиликда ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув тизимлари жорий этилади. Улар билан ишлашнинг вертикал тизими яратилиб, ёшлар муаммолари бевосита маҳаллаларда ҳал этилади. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлиги янада оширилади.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада Ёшлар етакчиси лавозимини жорий этилади. Уларнинг асосий вазифалари — «Ёшлар баланси»ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотлари «Ёшлар дафтарини» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига кириштириб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилишдан иборат. Шунингдек, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидорни, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига қўмаклашиш ҳам уларнинг вазифасидир.

КАДРЛАР ЕТАРЛИМИ?

Мазкур қарор билан маҳаллалардаги Ёшлар етакчиси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларида маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш

бўлимлари ташкил этилади. Уларга мактаблардаги 10008 нафар ёшлар етакчилари штат бирликларини қисқартириш ҳисобидан ёшлар билан ишлаш тажрибасига эга, ёшларни эргаштира оладиган, шахсий фаилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи, садоқатли ва ватанпарвар номзодлар тайинланади. Номзодлар очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади.

ОЙЛИК, РАҒБАТ-ЧИ?

Ёшлар етакчисининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда белгиланади. Хонадонлар сони беш юзтагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 5 баробари миқдориди, хонадонлар сони 501 тадан 1000 тагача бўлган маҳаллада 5,5 баробари, хонадонлар сони 1000 тадан ортқ бўлса, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг олти баробари тўланади.

Агар бошқа ҳудудлардан келиб ўз фаолиятини олиб бораётган Ёшлар етакчиси бўлса, уларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қопланади. Йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган Етакчиларга эса ипотека кредити асосида сотиб олинаётган ун-йой қийматининг 50 фоизи миқдориди субсидия берилади.

Шунингдек, ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришяётган энг илгори 100 нафар етакчи бир ойлик иш ҳақига тенг миқдорда бир марталиқ пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фаилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган етакчилар эса «Янги Ўзбекистон ислохотчиси» кўркем нишони билан тақдирланади.

Кераклиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилр Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2022 йил 1 марта қадар етакчилар учун қулай шароитга эга бўлган хизмат хоналарини ажратиб, уларни моддий-техник жиҳозлар (мебель, компьютер тўплами, берақа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлаб олади. Шунингдек, улар «Ёшлар дафтарини» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига уланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи планшетлар билан таъминланади.

АСОСИЙ ФАОЛИЯТИ

Маҳаллалардаги Ёшлар етакчиси ўзига бириктирилган маҳаллаларда олтига — маданият ва саноатни тарғиб қилиш, Соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, Ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, Маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, Тадбиркорлик гоёларини қўллаб-қувватлаш йўналишларда фаолият олиб боради.

Албатта, қўридаги тадбирларни ёшлар етакчисининг бир ўзи ўтказиши имконсиз. Шу боис уларга Маданият вазирилиги, Туризм ва спорт вазирилиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги, Мудофаса вазирилиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар амалий ёрдам кўрсатади. Қолаверса, давлат умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар

бўйича уринбосарлари ёшлар масалаларида идоралараро ҳамкорлик ва етакчилар фаолиятига қўмаклашиш учун масъул деб ҳисобланади.

Эътиборлиси, мазкур ҳужжат орқали маҳалла ёшларининг маънавий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ҳал этиш билан бирга, уларнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш имконияти бор. Фақат қарор ижроси кўзбўямачиликсиз, ура-урачиликсиз, тўлиқ, тизимли амалга оширилса, бас.

ИНСОН ҚАДРИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛанаДИ

Сизу биз қаерда яшаймиз? Албатта, маҳаллада. Шундай экан, инсон қадри ҳам аввало маҳалладан бошланиши керак. Шу маънода айтиш мумкинки, давлатчилик ҳам маҳалладан бошланади. Жорий йилнинг «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.

Ўй, инсон қадри деганда нима тушунилади? Президентимиз айтганидек, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, маънавий тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришдир.

Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифаси қўйилмоқда. Маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизими яратилди. Давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқани йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилади.

Эндиликда маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари кенгайтирилиб, ушбу мақсадда маҳалланинг алоҳида жамғармасини ташкил этиш амалиёти жорий этилади. Маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилади. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан, маҳалла раиси томонидан маҳаллий Кенгаш мажлисида қўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг самарали механизмлари йўлга қўйилди. Энг муҳими, фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институти жорий этилади.

Мухтасар айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган ҳар бир ташаббус фуқароларни ўйлантираётган масалаларни тезкор аниқлаш ва ҳал этиш, маҳалла институтининг маънавини ошириш, йигин фаолларининг самарали ишлашини ташкил этишда қўл келаятир. Бундан эса бир мақсад кўзланган. У ҳам бўлса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади».

Рустам ЮСУПОВ

ХОТИРАДА ЯШАШ

ҲАМ САОДАТ



Устоз Умарали Норматов мазмунли умр кечирди. Ҳаётини ёшларга сўз саноати сирларини ўргатишга сарфлади, умрининг энг кўркем паллаларини адабиётга, аjoyиб асарлар тарғиботиға бағишлади. Домланинг сал кам бир асрлик умр китобининг саҳифалари мазмунли. Бу мазмун-моҳиятда маданият, маърифат, маънавият, таълим-тарбия, илм, бадий адабиёт ва саноат билан боғлиқ масалалар баёни мужассамдир.

Жиддий ўйлаб қаралса, замонавий ўзбек адабиётшунослиги ва яқин ўтган давр адабий танқиди тарихини заҳматқаш олим, профессор Умарали Норматов адабий-илмий фаолияти билангина тугал тасаввур қилиш мумкин. Олимнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси, филологик таълим учун қилган хизматлари беқиёс. Мақолалар, рисоалар, монографиялар, ўқув қўлланмалар, дарслиқлар, олим раҳбарлигида ҳимоя қилинган илмий тадқиқотлар, республика ва яқин хориждаги шоғирдлар — буларнинг саногига етиш қийин. Улар барчаси олим умри безағи, ўзига хос олами — бебаҳо маънавий хазинаси.

Тўғриси, замонавий ўзбек адабий танқиди тарихида Умарали Норматовдек фаол, фидойи, юзлаб жиддий мақолалар ёзган, адабий ҳаётни ҳолис ва тўғри баҳолаган яна бир мунаққидни топиш оson эмас. Мунаққиднинг ўткир сўзи, адолатли адабий-назарий ташхислари, кўпичча ижод аҳлини қўллаб-қувватлашлари, яхши сўз айтиб юзлаб рағбатлантиришлари кўп бора эсга олинади ҳали. Булажақ адабиёт муаллимлари инсонийлик мезонларини, бадий асарни текшириш усулларини Умарали Норматовнинг китобларини ўқиб ўрганишлари шубҳасиз.

Ушбу кўрсам, мен профессор Умарали Норматовни «Шарқ юлдузи» журнали орқали мактабни битириш арафасида — ўтган асрнинг 80-йилларида таниган эканман. Ўқилган қайсидир роман қаҳрамони исми таъсиридами, ҳар тугул, кейинчалик бир жамоада бақамти ишлаш, устоз-шоғирд туғилишимиз мутлақо ҳаёлимга келмаган, Умарали Норматов исми ортидаги мунаққид ўша ғойибона танишув маҳалида жуда ёш ва навқирон бўлиб кўринган эди. Университетга ўқишга кириб қарасам, Умарали Норматов улкан олим, профессор, кафедра мудирини, фан арбоби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси экан.

Умарали Норматовнинг 90 йиллик таваллуд кунлари арафасида «Сайланма» китобини ҳозирлай

бошладик. Домланинг қизи, филология фанлари номзоди Шоира Норматова уни жамлашда қанот чиқариб, елиб-югуриб фарзандлик бурчини бажарди. Ора-орада маслаҳатлашиб турдик. Домла китоб нашри ҳақида фикр ўртага ташлаган маҳалидан бошлаб бегона бўлди, қувонди, умидланди. Тайёрланган китоб босилишини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўз зиммасига олишини уюшма раиси Сирожиiddин Саййид мамнуният билан маълум қилди. Шу орада домлага кўнгирок қилиб, аҳвол сўради, китоб, албатта босилиши хабарини берди. Шунда домла икки баробар ҳаяжонланди...

Бир ойлар олдин, аниқроғи, учинчи январь куни Ёзувчилар уюшмасидан Нодир Жонузок, Файрат Мажид билан биргалишиб, домланинг «Сайланма»сидан ун-ун беш донга олиб уйларига бордик. Домла китобни қўлга олиб, худди биринчи мақоласи вақтли матбуотда босилган ёки эндигина биринчи китоби нашр бўлган ёш боладак қувонганлари кўз ўнгимда. Бундай қувонч, самимият ва бундай ҳис-ҳаяжон фақатгина кўнгли покиза инсонларга нақадар ярашиб туришини шунда кўрдим.

Чин устозлик, чин муаллимлик бахти ва шаъни мисқоллаб йиғилди. Шу йўлда Умарали Норматов эл-юрт адоғи, ҳурмат-эҳтиромига эришди. Яхши яшади. Умр йўлдоши, ўз вақтида муаллима бўлиб ўқувчиларга таълим берган Мунира опамиз домланинг илм ва ижод йўлларида устозга умр бўйи чинакам маслакдош, фикрдош ва йўлдош бўлди.

Абдулла Қодирийнинг донишманд қаҳрамонларидан бири «умр — отилган ўқ эмиш», дейди. Ҳар ўтган кун, ҳар ўтган давр тарихга, хотирага айланади. Бироқ Умарали Норматовдек эътилолларнинг инсонийлик сабақлари унутилмайди. Зеро, виждонли, одил, яхши инсон ўлароқ одамлар хотирасида яшаш ҳам саодатдир.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори,
профессор

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Тарих, умуман, ўтмиш камол топиш ва заволга юз тутиш силсиласидан иборат: бу қисмат ҳеч бир тамаддунга бегона эмас, қайсидир маънода, келажак ўтмишда суратланиди, тарих шу боис ҳам биз учун азиздир. Деновнинг тарихини айтиверсак, катта бир дoston бўлади. Шаҳарнинг қок марказида бундан беш юз йил илгари қурилган Саййид Оталиқ мадрасаси рўпарасидаги «ғизни»ни ўтган асрнинг йиғирманчи йилларида «эскилик сарқити» сифатида бузиб, беш юз йилдан бери қилт этмай турган пишққ гишларни турли мақсадлар учун ишлатиб юборишган. Аммо ҳозир бу ҳақда эмас, хайрли тасодиф тўғрйли сакланиб қолган Саййид Оталиқ мадрасасининг истиқлолимиз учун нечоғли аҳамиятли экани ҳақида гапирмоқчиман. Мен унинг тимсолида буюк қадриятларимизнинг завол билмас тимсолини кўргандек бўламан.

Ҳар жойининг ўз ҳақиқатлари ва уларни меъёрга ушлаб турадиган азалий қонун-қоидалари бор. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ўлчамлар Деновга ҳам тўла тааллуқлидир. Оламнинг, одамнинг тўрт унсурдан таркиб топганини ҳамма билади. Буни қарангки, Деновда бу унсурларнинг ҳаммаси соз.

Денов айна чўллар тугаб, тоғлар бошланадиган минтақага тўғри келади. Ёзи салқин, киши мўътадил. Шунинг учун ҳам бир вақтлар Деновда шаҳарқамши етилишгачан. Денов хурмоси Ўзбекистондан ташқарида ҳам машхур. Тўғри, қўшни туманларда, ҳатто бошқа вилоятларда ҳам хурмони ўстириш мумкин, аммо бирор жойда Деновдагичалик хурмо серхосил ва ширин бўлмайди.

Деновнинг марказида Дендрарий боғи бор. У ерда қандай дарахтлар ўсмайди, дейсиз. «Попа» дарахтини кўриб, бу дунёнинг турган-битгани мўъ-

жиза экан-да, дейсиз. Бир пайтлар Петрарканинг бошида гултож бўлган дафнага бу ерда жайдари ўсимлик сифатида қарашади. Ҳай-ҳай демасангиз, бамбук бир кеча кундузда беш метрга ўсади. Бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу тафсилотлар Деновнинг тупроғи ва иқлими созлигини исботловчи далиллардир.

Оламини ҳайратга солган улуг бобомиз Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» китобида истиқомат учун саз ва носоз бўлган манзилларнинг таъйини баён қилади. Соз жойларнинг аломатлари санаб ўтилган саҳифаларни ўқиётиб, Форобий бу сатрларда Деновин назарда тутмадимикан, деб ўйлаб қолсан, киши. Шу китобда битилишча, соз тупроқ тоғларнинг қандай жойлашуви, шамолларнинг қандай ва қаёқдан эсиши, ичимлик сувининг сифати ўша юрт истиқоматчиларининг нафақат сихат-саломатлигига, балки уларнинг қувваи ҳофизаси, ақлий ривожланишига ҳам сезиларли таъсир қилар, одамларнинг табиатидаги муайян хусусиятлар ҳам шу омилларга боғлиқдир.

Қаранг, мустақиллик йилларида Деновдан беш нафар истисқол фидойилари — Иброҳим Файзуллаев, Аҳмад Нарзуллаев, Раҳмон Муҳаммадиев, Ҳамза Маҳмамов, Юсуф Зибев Ўзбекистон Қаҳрамони деган шаарафли унвонга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод, Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов, Ўзбекистон халқ бахшиси Боборайим Маматмуродов шу замин фарзандларидир. Адабиёт йўналиши бўйича тўрт нафар шоира қиз — Феруза Қурбонова, Шаҳноза Турсунова,

Фарида Тошпўлатова, Дилрабо Норқулова Зулфия мукофоти совриндорлари бўлдилар.

Академик Назар Тўраевни илм аҳли яхши билади. Назар ақадан бир сафар илмий фаолиятининг мазмунини сўрадим: ўн миллион даражадаги иссиқликда сиртнинг емирилишини қандай қилиб қамайтириш муаммолари устидаги тадқиқотларини шоғирдлари ҳамроҳлигида давом эттираётган экан. Агар ижтимоий тараққиёт шундай суръатлар билан давом этаверса, 50-60 йилдан сўнг инсоният ер юзидagi ва ер остидagi Фарида Тошпўлатова, Дилрабо Норқулова Зулфия мукофоти совриндорлари бўлдилар.

Денов шахрининг кун ботишида, Қизилсув дарёсининг бўйида, Тупроққўрғон деган манзил бор, унинг ярмини дарё тошқини ювиб кетган. Ана шу ўпирилишлар чоғи чиқиб қолган буюмларни кўздан кечирган академик Галина Пугаченкова уларнинг милоддан олдинги даврларда ясалганини аниқлади. Икки минг йилга бардош берадиган Тупроққўрғонни

ота-боболаримиз бунёд этган. Манбаларда Қизилсув дарёсининг тағи билан ўтиб, қўрғоннинг ичидан чиқадиган лаҳм — ерости йўли ҳақида ҳам гапирилади.

Бундай азамат қўрғонлар ҳужажўрсинга қурилмаган ва айна ҳақиқат шундан иборатки, Қизилсув ҳам шунча вақтдан бери ўзанини ўзгартиргани ё қуриб қолгани йўқ, қўрғон ҳам эрталардаги афсона эмас, жойида турибди.

Бугун иқтисодиётимиз ва мафкурамиздаги барқарорликнинг бир чети қадриятларимизнинг

улуглаётганига ҳам бориб боғланади. Биладиганларга маълумки, Баҳауддин Нақшбанд ҳазратларининг садоқатли издошлари ва суюкли шоғирдлари Шайх Алоуддин Атторми Валий ҳазратларининг хилхонаси Деновда. Буни қарангки, шундай улуг зот мангу қарор топган тупроқ устида мақбара кўтариш бизга, тўғрироғи, биз

«МАНГА УЛ КИМ АНИСУ СОҲИБДУР...»

Алишер Навоийнинг дўстлари ҳақида

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мана шу воқеанинг ўзи уларнинг кўп масала-ларда ҳамфикр ва ҳаммаслак эканликлари-дан, уларнинг яқин дўстлиги туфайли уйғунлашиб кет-ган муштарак дунёқарашларидан дарак беради.

Навоий "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" да Жомийни "кошифи асрори раббоний" ва муктаҳид олим, деб тавсифлайди. Бу янглиғ бузурғворлик ва пайғамбар-сифат соҳиби камол бўлишига қарамай, жуда хоксор бўлганини қайд этади. У кишининг овозасини эши-тиб, узоқлардан келган одамлар уни хизматкорла-ридан ажратиб ололмас эканлар. Навоий айтишича: "...ултурур кўпарда, айткум эшитмок ва ёмоку кий-моқда узлари билан бошқа хизматкорлари орасида фарқ йўқ эди". Абдурахмон Жомийнинг мадраса-ларда ўқиб кўп фанларни мукаммал эгаллаганини таърифлар экан, унинг шеър машқ қилишига ундаган омиллар ҳақида ҳам тўхталади. Навоий ёзади: "Агар-чи бир неча вақт биз-зарурат улум касбига иштиғол кўргузбдурлар, аммо ҳеч вақт назм ойинидин холи эмас эрқандурлар. Чун аларга биз-зот машраби Тавҳид бийик воқеъ бўлгандур, ҳақиқат жамолин мажоз мазоҳири мушоҳадасида муъона кўруб, бе-хаттирлиғлар даст берур эрқандур. Ул маъини назм ли-босида адо қилмокдин гузирлини йўқ эрқандурким, бу восита бирла ўтқа таскин ва ўтлук кўнгулга ором бўлур эрқандур". Айни баҳони Алишер Навоийнинг ўзига ҳам берса бўлади. Бундай авлиёсифат инсон-нинг "ишқи зоҳир"га муносабатини алоҳида ёритгани Навоий дунёқарашини ҳам худди шундай эканлигини тасдиқлайди: "Мунча ишнинг зиннида ишқи зоҳир тариқиким, "Ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа" иборат андин бўла олғай аларга андоқ мутавали эрдиким, ҳар мулоим маъзаҳнинг ҳусну малоҳатиким, Ҳақ жа-молияти тажаллиси била зухур қилмиш бўлғай ё жа-ври бедоди офатиким, жалолият сифати била жилва-да кўргузмуш бўлғай, ул сифотдин зоти айнаит мушоҳа-да қилиб, сабабини мутлоқ ародин муртафеъ кўруб, кўзларига мусаббобдин ўзга нима келмаган жиҳати-дин бетоқат бўлуб, ҳар не ул изтиробда аларга ишқ шиддатидин ва шавқ субутидин юзланса эрди жон-сўз шеърлар ва дилфуруз ғазаллар иштиғоли: би-ла ул таҳаммулмаслика итмиёнин берурлар эрди".

Навоий дўстларидан кўндан-кўп эзгу фазилат-ларни ўзлаштирди, ўз ҳаётида уларга кўп ўринлар-да тақдид қилишга интилади. Навоийга дўст мақо-мида бўлган шундай зотлардан бири Саййид Ҳасан Ардашёрдир. Навоий ўзининг "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашёр" асарида бу инсоннинг ибратли фазилатларига қайта-қайта тўхталади. Маълумки, Саййид Ҳасан Навоийдан ёш жиҳатидан анча улғу инсон эди. Навоийнинг ёзишча, ҳар ким унинг уйига келар бўлса, "...бизга лутф қилиб қулбамизга қадам ранжида қилсангиз, биз сизнинг хизматин-гизда бўлурбиз", деб катталарга қандай ҳурмат кўрсатса, ёшларга ҳам шундай мурожаат қилар экан. Саййид Ҳасан шундай инсон эдики, дейди Навоий, ипак билан намат ўртасида тафовут кўрмайдиган даражада нафсини маҳкам жиловланган эди. Ҳар қанча изтироб юзланмасин, сиб билан енгар эди. Саййид Ҳасан Ардашёр Навоийни фарзандини деб алқашини шоир фахр билан таъкидлайди.

Саййид Ҳасан Ардашёр мансабпарастликни ниҳоятда қоралаган. У айтди: мансабпарастлик мастлик кабидир. Аммо у чоғир мастлигидан фарқ қилади. Чоғир ичиб маст бўлган киши қилган иши ва сўзини назорат қила олмайди. Оқибатда одамларга озор бериши, нотўғри хатти-ҳаракатлар қилиб қў-йиши мумкин. Сархуш бўлгандан кейин ўз ишидан пушаймон қилади. Аммо бундай сархушлик бир кун давом этади. Мансаб мастлиги эса токи инсон мансабдор экан давом этади. Инсон мансабда бул-ганде ўзини идора қилса яхши, аммо оёғи ердан узлиб, нафсга берилса, кўп хатоликлар қилган. Навоий, маълумки, ҳамиша мансабдан қочган, аммо подшоҳ уни давлат хизматидан бўшатишни хоҳлаганди. Навоий улуг мансабларни эгаллаганда ҳам ҳамиша давлат ва халқ манфаатини биринчи ўринга қўйган. Ўз вазифасини ҳалол бажарган. Саййид Ҳасан Ардашёр айтар экан: "Тош қозон ва лаъл ҳар иккаласи тошдир. Тошқозонда лаззатли таомлар пиширилади ва ундан одамларга фойда бордир. Лаъл эса қимматбаҳо бўлгани билан ундан одамларга фақат зарар этади. Агар халққа манфаа-ти бўлмаса, ундай қимматбаҳо тошдан не наф".

Навоийнинг бизга маълум ҳаёт йўлига назар ташласан, унинг эл-юрт, давлат манфаати ва тараққи-ёти учун қанчалик фидойилик билан хизмат қилга-нининг гувоҳи бўламиз. Саййид Ҳасаннинг ўғитлари Навоий учун ҳаётли муҳим бўлганига шубҳа йўқ.

Паҳлавон Муҳаммад Навоийнинг ёшлигидан бирга ўсиб улғайган дўстларидан биридир. Навоий уни қирқ йиллик қадрдоним деб улуғлайди. Уни "маҳрамин сирри ниҳоний" деб атайди. Навоий эътирофича, уларнинг ўртасида умуман сир бўлма-ган ("Аммо ҳеч наъ махфий сир ва рози йўқ эрди-ким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки, бу фақир-нинг ҳам андин"). Паҳлавон Муҳаммад курашларда кураги ерга тегмаган машҳур паҳлавон бўлиш билан бирга, мусиқа илмида замонасининг машҳурлари-дан, тиббиёт, шеърят, фалсафани чуқур тушуновчи етук олим эди. Хотираси жуда ўткир бўлиб, ҳашигига Куръон ҳрфиси бўлган. Паҳлавон Муҳаммад Навоий-ни жуда эъзозлар эди. Ҳамиша унинг кўнглига оро қириш, ҳамдард бўлиш, яхши-ёмон кулларида ёни-да бўлишга ҳаракат қилган. Навоий қайд этишчи-кан, йигитлик айёмида давр ва замон балолари бошига ёғилиб, Машҳадга борганда оғир хасталикка чалина-ди. Табиб уни муолажа қилиш асносида баданини уқа-латишни буюради. Бу ишни паҳлавон ўз зиммасига олади. Шундай муолажа пайтида Паҳлавон унинг чўнтагида қорғоз борлигини кўриб қолади. Секин

олиб қараса, янги ёзилган етти байтли ғазал экан. Ёнига қўйиб дарҳол ёдлаб олади. Сўнг билинтирмай шоирнинг чўнтагига солиб қўяди. Муолажадан сўнг ўртада суҳбат бошланади. Паҳлавон дейди: "Сен ўз шеърларинг билан анча машҳур бўлиб қолдинг, шеър фарқлашга тажрибанг етади, айт-чи, туркиёй шоирларнинг қайси бирини афзал биласан?" Навоий Лутфийни кўрсатади. Паҳлавон эътироз билдириб, нега Сайид Насимий турганда Лутфийни маъқул қўриши билан қизиқади. Навоий Насимий ботиний маънодаги шеърлар ёзади, сенинг сўрашингдан мақсад зоҳирий маънода ёзувчи шоир эмасмиди, дейди. Паҳлавон Насимийнинг шеърлари ботиний бўлса ҳам, зоҳирий талқин қилиш мумкин, дея мана бу шеърини эшит дейди ва Навоийнинг янги ёзилган шеърини ўқиб беради. Навоий ҳайрон бўлади ва чўн-тагига қўлини солиб кўрса, қорғоз турибди. Бу шеърни қачондан бери биласан, деса Паҳлавон 12 йил олдин Абулқосим Бобурнинг бир ўтиришда шу шеър ўқи-ганди, менга ёқиб қолиб ёдлаб олгандим, дейди. Навоий баттар таажжубланади. Шу билан Паҳлавон кўзгалади. Эртаси эрталаб келганда, Навоий яна ўша шеър ҳақида сўз очиб, ҳақиқатдан ҳам ўша пайтда шу шеърни эшитганим-йўқим, билишга қизиқаварга ҳам ёд олдириб келган экан. Улар ҳам унинг фикрини маъ-қуллаб, ғазални бирин-кетин ўқиб берибди. Навоий гоётада ажабланибди.

Паҳлавон Муҳаммад дўстининг руҳан зила-ётганини кўриб, унинг бироз чалғиши, дардини унуттиши учун шу ҳазилни ўйлаб толганини Навоий ўзига хос миннатдорлик ва завқ билан эслайди.

Дўст садоқати, вафоси, мушфиқу ҳамдамлиги инсонга оғир қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишда ёрдам берувчи улкан қувват. Навоий ана шундай қувват манбаини дўсти Паҳлавон Муҳам-мадда кўради.

Навоийнинг йигитлик давридан умрининг охири-гача чуқур ҳурмат билан қараган дўстларидан бири Шайхим Суҳайлийдир. Уни "ёри азиз" деб алқайди. Навоий Абу Саъяд Мирзо даврида Ҳиротда яшаганда ва Самарқандда ўтказган йилларида Шайхим Суҳай-лий билан бирга бўлган. Шунинг учун "Мажолиси да"... аввалдин охиригача фақир била илтифот ва иттиқоди кўп" деб қайд этади. У ҳам Паҳлавон Муҳаммад каби Алишернинг барча нуҳоний сирларидан хабардор бул-ган ғамхўр дўст эди. Алишер Навоий Шайхимга ёзган бир соқийномасида "Сен эдингким, менга дамсос эр-динг, Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг" деб у билан сирдош бўлганини эътироф этади..

Навоий ҳақида Аҳмад Ҳожибек катта ўрин ту-тади. У Самарқандда таҳсил олаётганда Аҳмад Ҳо-жибек Султон Абу Саъяд Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо номидан Мовароуннаҳрни бошқар-эди. Навоий ёзади: "Вафойи тахаллус қилур... Ҳи-рот дар ус-салтанатида ўн йилга яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфусасида ҳам муддате ҳоким эрди". Заҳириддин Муҳаммад Бобур айти Аҳмад Ҳожибек Алишери Самарқандда ўз ҳомиёлиги остига олган-лигини таъкидлаб ўтган. Бу икки инсон ўртасидаги яқин алоқалар ҳақида маълумотлар жуда оз. Шунис-и маълумки, Аҳмад Ҳожибек жуда узоқ умр кўриб, Навоий билан ўрталарида ёзишма бўлган. Бу ҳақда Навоийнинг Аҳмад Ҳожибекка ёзган қуйидаги соқий-номасидан маълумот олишимиз мумкин:

**Соқийё, базмда тут жами висол,
Ким келур ёдима айёми висол.
Ўтти бир қарнки, ҳижрон аромен,
Васл айёмига армон аромен.
Меҳрибонлар қани, аҳбоб доғи,
Ҳамнишинлар қани, асҳоб доғи.
Барча ғурбатқа хиром айладилар,
Хулд боғини мақом айладилар.
Бириким қолди, баса кўп қолсун,
Умр комини жаҳондин олсун.
Чун Вафойи била бўлди машҳур,
Айласун умри вафо бирла зухур...
Ҳақ сени даҳрда боқий тўтсун,
Шодлиғ соғари соқий тўтсун.
Сен қилиб нўш триқилки жомин,
Мутганам англа ҳаёт айёмин.
Кўрки, умр элга вафо қилдиму,
Чарх жуз жавру жафо қилдиму.
Билки оламда не шах, қолди не бек
Шоҳи мағфурдегу бекларидек.
Қани султон Саъяду хайли,
Барчасин ёпти ажалнинг зайли.
Қани Қанбар Алию қани Мазид,
Қани Султону қани Нур Саид?
Ҳар бири ўзни тутуб олий шон,
Биридин қолмади оламда нишон.
Барча гар кетти, сен ўлғил жовид,
То абад умрдин ўлма навид.
Майи мақсуд ила жоминг тўлсун,
Тенгридин оқибатинг хайр ўлсун!**

Шайх Бахлулнинг Алишер Навоийга яқинлиги шу даражада эдики, улар орасидаги муносабатлар дўстлик чегарасидан чиқиб ака-укалик мақомини олган эди. Алишер Навоий уни оғам, деб эътироф этган. Зайниддин Восифийнинг ёзишча, Шайх Бахлул Амир Алишернинг маслаҳатчиси, ишонли, эътиқодли ва эътимодли мулозим эди. Ўз мулки-нинг бутун муҳим ишларини, майда-чуйдасигача унинг қаролати ва воқалатига топширган эди. Уни Амирнинг ақли ва сўзловчи нафси дер эдилар. Ҳамма фанлардан хабардор ва воқиф эди. Мир уни чини хумдонга ўхшатар эди...

Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутади. Улуг шоир ўзининг шеърый ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, Ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ўзбекистонда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда Алишер Навоий-га кўрсатилаётган эътиборни ҳар қадамда кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 ок-тябрдаги "Буюк шоир ва мутафаккир Алишер На-воий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида" ги қарори билан ўзбек адабий тили асо-сисининг номи ва меросини халқаро майдонда кенг тарғиб этиш, чет эл кутубхоналарида сақланаётган асарларини Ўзбекистонга қайтариш, уларни тадқиқ этиш, хорижий давлатларда аллома ҳайкаллари ўрнатиш каби вазифалар ижроси таъминланмоқда.

НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Жумладан, Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг хорижий мамлакатлардаги дип-ломатия ваколатхоналари кўмағида қатор давлат-ларда Алишер Навоий меросини тарғиб этиш бора-бариди буюк аллома номи билан аталадиган боғлар, кўчалар бунёд этилмоқда, ҳайкаллар ўрнатилмоқда.

Шу ўринда, Жанубий Кореяда Навоий шахсига кўрсатилаётган эътиборни алоҳида таъкидлаш ке-рак. Бу мамлакатнинг маданий-маърифий ва ада-биёт соҳалари вакиллари Навоий ижодининг нозик жиҳатларини чуқур ўрганмоқда. Шу билан бирга шоир номини улуғлашда ҳар томонлама ўрнат бўла-япти. Корейс халқи ушбу ишларни ўзбек халқининг буюк ўтмиши ва аждодларига ҳурмат белгиси си-фатида эътироф этмоқда.

Бунинг тасдиғи сифатида Сеул шаҳри Сочо тум-анидаги "Seocho-dong 1498-4" кўчасида Алишер На-воий бюсти очилганини қайд этиш мумкин. Ёдгорлик шаҳарнинг гавжум чорраҳасида ўрнатилган. Унинг рўпарасида Корея Республикаси Олий суди ва Олий прокуратураси биноси жойлашган. Бу ерда, шунинг-дек, замонавий кўп қаватли турар-жой масканлари қад ростлаб турибди, савдо ва тиббиёт марказлари, кутубхона фаолият юритади.

Ҳайкал ушбу мамлакатда ёдгорлик ва ҳайкаллари яратиш бўйича етакчи саналган "Malong Company" ком-панияси томонидан замонавий ҳайкалтарошлик услуб-ларидан фойдаланган ҳолда яратилди. Ҳайкал жараён-билан боғлиқ барча харажатлар Жанубий Корея – Ўз-бекистон бизнес ассоциацияси ҳомиёлигида қопланди.

Буюк бобокалонимиз ёдгорлигининг бадийий са-вияси юзасидан Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳулосаси олинди ва ушбу муассаса мутахассислари томонидан юқори баҳоланди.

2021 йил декабрда Тошкент давлат шарқшунослик университетидида амалга ошири-лаётган инновацион лойиҳа доирасида Германияда илмий сафарда бўлдим. Европа фондларида сақланаётган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва "Yevroturcologica.uz" электрон платформасини яратиш мақ-садида Берлин, Мюнхен, Дрезден, Лейпциг шаҳарлари кутубхоналаридаги бир қанча қўлёзмаларни, жумладан, Алишер Навоий асарларини кўздан кечирдим. Немис шарқ-шуносларининг туркий халқлар маданияти тарихига оид қизиқарли маълумотларга бой илмий изланишлари билан танишдим.

НОДИР ҚҮЛЁЗМАЛАР

Маълумки, У.Сатимов, Р.Абдуллаева, М.Тожи-ҳўжаев, З.Содиқов, А.Абдулжаонов, Х.Раҳимов каби олимларимиз немисларнинг маданиятимиз ва тарихимизга қизиқиш тарихини, жумладан, Навоий асарларининг Германияда ўрганилиши масаласини ўз илмий ишларида имкон қадар ёритишган. Жум-ладан, У.Сатимов Навоий асарларининг ғарбий Европада ўрганилишига бағишланган докторлик ишида, М.Тожиҳўжаев эса "Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартман таржимаси ва тапқи-нида" мавзусидаги тадқиқотида (2021) немис олим-ларининг жаҳон навоийшунослиги ривожига қўш-ган ҳиссаси борасидаги илмий фикрларини баён қил-ган. Ўзбек-немис адабий алоқаларига муносиб ҳис-са қўшиб келаётган профессор Х.Раҳимов Алишер Навоийнинг 580 йиллиги арафасида шоир ғазалла-рини немис тилига таржима қилиб нашр этирди.

Германияда туркий қўлёзмаларни тўплаш ва ўр-ганиш XVII асрнинг охири чоригидан бошланган. Сийёш арбоб Фридрих Вильгельм ташаббуси билан 1661 йили барча хусусий кутубхоналар бирлашти-рилиб, Берлинда йirik кутубхона ташкил этилади. Айни вақтда Берлин давлат кутубхонасидаги шарқ бў-лимиди 41600 та араба, форсча, туркий, япон, корейс тилларидаги шарқ қўлёзмалари, жумладан, Алишер Навоий асарларининг ноёб нусхалари сақланади. Шу-нунгдек, Гота, Мюнхен, Дрезден шаҳарларидаги ку-тубхона фондларида ҳам туркий қўлёзмалар мавжуд.

Илмий сафар давомида Германия кутубхонала-рида Алишер Навоий асарларининг қирқдан ортқ қўлёзма нусхалари борлиги аниқланди. Мазкур қў-лёзмаларнинг энг кўпи (35 та) Берлин кутубхонаси-да сақланади. Улар орасида улуг мутафаккирининг "Ҳамса", "Лисон ут-тайр", "Мажолис ун-нафоис", "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин", "Махбуб ул-қулуб" син-гари асарлари, девонлари мавжуд. Бу нодир қўл-ёзмалар турли даврларда кўчирилган ноёб нус-халар саналади. Қўлёзмалар орасида "Махбуб ул-қулуб" асарининг 1238 хижрий йилда кўчирил-ган ноёб нусхаси ҳам бор. Германиянинг Мюнхен шаҳридаги кутубхонада эса, Навоийнинг тўртта қўл-



– Ўзбекистон ва Жанубий Корея, гарчи бир-бири-дан жуғрофий жиҳатдан узоқда жойлашган бўлса-да, уларни кўп асрлик яқин дўстлик ва манфаатли ҳамкор-лик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг санъати, маданияти, миллий менталитети ва меҳнатқашлиғида ўхшашлик мавжуд, – дейди Жанубий Корея – Ўзбеки-стон бизнес ассоциацияси раисининг биринчи ўринбо-сари Ким Чан Гон. – Ўзининг бебаҳо ижодий ва илмий мероси билан жаҳон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутувчи буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалининг ўрнатилишига ўз ҳиссамизни қўшганимиздан мамнун-миз. Навоийнинг дунёга ўзбек тилининг бой имкони-ятларини кўрсатиб, унинг гўзал тил эканини исботлаб берган буюк шахс эканини яхши биламиз.

Жанубий Корея пойтахтида ўрнатилган Навоий бюсти Жанубий корейлик таниқли ҳайкалтарошлардан бири Парк Кёнг Дал томонидан ишланган.

Японияда ҳам Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган. Кунҷикар юрда қад ростлаган ушбу ёдгорлик Токиодаги Сока университети ҳудудида жойлашган. Японияликлар Алишер Навоий ижодий меросини ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан ҳиссаси си-фатида эътироф этади. Шунингдек, Японияда улуг сий-мога ёдгорлик ўрнатилиши ўзбек ва япон халқлари ўрта-сида тарихий Буюк ипак йўли билан боғланган маданий мулоқотнинг рамзи сифати баҳоланади.

Токиода 2004 йилда ўрнатилган ҳайкал адабий алоқалар бўйича узаро ҳамкорлиқнинг ривожлани-шига катта туртки бўлди.

– Ҳар йили буюк давлат арбоби, шоир ва мута-факкир Алишер Навоий таваллуд куни университети-мизда катта тантана билан нишонланади. Ҳар гал тад-бир аввалида унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш маросимини ташкил этамиз, – дейди университет

ректори Йошихиса Баба. – Бу ҳайкал иккала мамла-кат дўстлиги рамзи сифатида олий билим юртимиз ҳудудида ўрнатилгани бизга фахр туйғулари ва катта қувонч бағишлайди. Университетимиз асосчиси Дай-саку Икеда чет эл делегацияларини қабул қилганда, кўпинча, Алишер Навоий ғазалларидан мисоллар келтиради ва унинг фалсафий қарашларини ёдга олади. Бундан кейин ҳам биз буюк шоирнинг ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиган ўғитларини ёш авлодга етказишда давом этамиз. Ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам ривожланишига ишонамиз.

Хитойнинг Шанхай университети ҳудудида ҳам буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаб турибди. Мазкур ёдгорлик Ўзбекистон ва Хи-той ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгани-нинг 25 йиллиги муносабати билан очилган.

Ўз навбатида, Озарбайжонда ҳам Алишер Навоий-га алоҳида ҳурмат, эҳтиром кўрсатилади. Озар адабий муҳити вакиллари Навоий асарларини тадқиқ этиш ва таржима қилишда жуда фаол. Ўзбекистоннинг Озар-байжондаги элчихонаси ушбу мамлакатда Алишер Навоий билан бағлиқ турли тадбирлар ва халқаро конференциялар ўтказиб келмоқда. Дипломатия мис-сияси кўмағида улуг бобомиз ҳақидаги китоблар озар тилида нашр этилмоқда.

Бокунинг марказий кўчаларидан бирида Мир Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилган. Навоий ижодида бағишлаб ўтказиладиган ҳар бир адабий анжуман дастлаб ана шу ҳайкал пойига гул-чамбар қўйиш билан бошланади.


Туркманистонда Алишер Навоий, бошқа буюк ўзбек шоир ва мутафаккирлари хотираси ҳамда мероси юк-сак қадрланади. Уларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиб келинмоқда. Ашхобод шаҳрининг марказий кўчаларидан бири Алишер Навоий номи би-лан аталган, мазкур кўчада жойлашган "Илҳом" жиёбо-нида буюк бобокалонимизга ёдгорлик ўрнатилган. Ўт-ган йили Туркманистон пойтахтида буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг 580 йиллиги ушбу мажмуада кенг нишонланди.

Алишер Навоий бобомиз ҳайкаллари, шунингдек, Москва (Россия) ва Олмаота (Қозғистон) шаҳарларида ҳам қад ростлаб турибди. Санкт-Петербург(Россия)даги "Дўстлар уйи" директори Владимир Михайленко мам-лакатимизнинг ушбу шаҳардаги бош консулхонасига мурожаатига у раҳбарлик қилаётган муассаса ҳузурида-ги интерактив ўзбек маданияти музейи ҳудудида Али-шер Навоий ҳайкалини ўрнатиш таклифини билдирган.

Ўзбекистон дипломатия ваколатхоналари ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштирмоқда. Хусусан, АҚШ ва Европа давлатларида Навоий ҳай-кали ёки бюстини ўрнатиш, буюк бобокалонимиз ме-росини кенг тарғиб қилиш орқали Ўзбекистон ижобий имижини юксалтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Жонажон Ватанимизда янги Ўйғонш даври – Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган буғунги кунда Алишер Навоий мероси мисолида ўзбек адаби-ёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Жобир ХЎЖАКУЛОВ,
"Дунё" АА**



қўлёзмаларига биринчилардан бўлиб тавсиф берган олимлар Вильгельм Перч ва Мартин Хартман. Улар туркий қўлёзмалар тавсифига оид илмий асарларида Навоийнинг Берлин ва Гота шаҳарлари кутубхоналари-да сақланаётган қўлёзмалари ҳақида батафсил маълум-от беришган. В.Перч бутун илмий фаолияти давоми-да нафақат туркий қўлёзмалар, балки арабий, форсий ва бошқа шарқ қўлёзмалари тавсифига бағишланган 8 жилд асар яратган, уларнинг асл нусхалари ҳозир-да Гота шаҳри кутубхонасида сақланади. Германия фан тарихида бу қадар иқтидорли шарқшунос ва кўп каталог яратган бошқа олим бўлмаган. Бошқа каталог-ларни кузатиш чоғида Навоий қўлёзмалари тавсифи Жорг Краембер, Барбара Флеминг, Манфред Готз, Ханна Сохвайде каби олимларнинг илмий асарларида ҳам акс эттирилгани маълум бўлди.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишишда "Бобунома", "Тазкират уш-шуаро" каби асарларнинг Европа тилларига таржимаси муҳим аҳа-мият касб этган. Адабиётшунос М.Тожиҳўжаевнинг таъкидлашича, Навоий асарларидан дастлабки илмий изоҳли таржималар Г.Вамбери ва М.Хартман томо-нидан амалга оширилган. Ҳар иккала олим "Иғотай тили" дарслигини яратиб, Навоий шеърларидан ми-соллар келтирилган. Олим 1900 йилда Йоханнес Аве-тарлиане томонидан Навоийнинг иккита ғазали тар-жимаси "Шаҳид ул-Ҳақойик" журналида, 1946 йилда эса Альфред Курелла томонидан "Фарҳод ва Ширин" достонининг XVII боби таржимаси "Neue Welt" журна-лида эълон қилинганини таъкидлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, Алишер Навоий тур-кий халқларнинг ғурур ва ифтихори, унинг асарлари бутун дунё халқларининг интеллектуал бойлиғидир. Навоийнинг улуғлиқда беқиёс, қудратли шахсияти-ни чуқур ўрганиб, даҳо шоир асарларида тасвир-ланган маъно ва ҳақиқатларни таҳлил ва талқин қи-лиш бўл ҳақда қалб заруритига айланса, ечими топилмайдиган муаммо қолмайди.

**Гулноз ХОЛЛИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети профессори,
филология фанлари доктори**

Алишер Навоий Темурийлар Уйғониш даврининг нафақат даҳо сўз санъаткори, балки тадбирли фақиҳи ҳамдир. У ўзининг асарларида фахр ва ифтихор билан ёзишча, бу фанининг сиру асрорини ўрганиб, фазлу камол топишида дастлаб Ҳиротда устози, фозил шахс Низомиддин Фасиҳидан, кейин эса Самарқандда Хожа Жалолиддин Фазлulloх Абуллайс Самарқандийдан таълим олган. Фақиҳ фанини яхши билиши темурийлар давлат бошқарувидаги қизғин фаолиятида ва давлат ишларини адолат билан олиб боришида кўл келган. "Хамса"-нинг Султон Ҳусайн Бойқаро ва Абдурахмон Жомийга бағишлаб битилган бобларида уларнинг фақиҳ сифатидаги портретини ҳам чизиб берганини кўрамыз.

БУЮК ФАҚИҲ

Қуйида Алишер Навоий ҳам шоир, ҳам фақиҳ сифатида асарлари матнида маҳорат билан қўллаган қадим хонавода, фақиҳ, фақиҳ сингари тарихий-хуқуқий истилохлар ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Қадим хонавода. Алишер Навоий асарлари матнида мазкур истилох хонавода, хонаводайи қадим шаклларида учрайди. Бу атама луғатларда, асосан, хонадон, хонавода шаклида берилган. Демак, қадим хонавода, хонаводайи қадим ясама бирикма кўринишида Навоий ижод қилган тарихий-хуқуқий атама бўлиб, у давлат бошқаруви билан боғлиқ ва асрлар давомида давлатни бошқарган бир сулола(шоҳ Исқандар авлодлари)га нисбатан қўлланилади. Аммо тилшуносликка оид баъзи луғатларда оила маъноси ҳам кўрсатилган.

Алишер Навоий 459 нафар қалам аҳли ҳақида қимматли маълумотлар берилган "Маҷолис ун-нафоис" тазкирасининг иккинчи маъносида келтирилган Бадахшон зикрида бу атамани бир марта қадим хонавода ва уч марта хонавода шаклларида ишлатган. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, агар қадим хонавода, хонаводайи қадим бирикмалари олдидан сулола, насаб сўзлари қўлланилса, бу тарихий-хуқуқий атаманинг лексик маъноси янада ойдинлашади. Алишер Навоий тазкирада "Аларнинг сулоласи қадим хонавода эрди", деб ёзиши мумкин эди. Лекин улус шоир "Аларнинг хонаводаси қадим хонавода эрди" деб битиб, Бадахшоннинг ҳам шоирлигига, ҳам унинг шонли сулола вакили эканлигига ҳамда уларнинг сулоласи давомли, яъни тарихда бир асрдан кўп муддатда давлатни бошқарганига алоҳида эътибор қаратган: "Шоҳ Бадахшон — "Лаълий" тахаллус қилур эрди. Хуштаб ва мусулмонча киши эрди. Аларнинг хонаводаси қадим хонавода эрди, неча минг йил эрдиким, Бадахшон мулкининг салтанати аларнинг хонаводасидин ўзга хонаводага интиқол топмайдур эрди..."

Навоий "Садди Искандарий" дostonида ушбу тарихий-хуқуқий атамани хонадони қадим тарзда қўллаган. Асарнинг XXVII бобидаги сюжетга кўра, ҳукмдор Доро ўлими олдидан шоҳ Исқандарга учта васият қилади. Васиятларининг иккинчисида: менинг қавму хайлимга зулм қилма, улар каёнийлардан бўлиб, сенга адоват қилмайдими, агар уларга қарам ва ҳиммат кўрсатсанг хонадони қадим сенинг хайлинг бўлади, деган мазмун баён қилинган. Демак, фақиҳ Навоий бу тарихий-хуқуқий атамани Аҳам шоҳларининг иккинчи сулоласига, яъни каёнийларга нисбатан маҳорат билан қўллаган:

Ҳабо айлама хонадони қадим — Ки, йўқтур алардин санга ҳеч бим.

Улуғ шоир лирик ва насрий асарларида инсонларни ўзаро ҳурмат ва дустона муносабатда бўлишга, бағрикенгликка чакириб, эзгу ғояларни тараннум қилиб қўллаб шохбайтар битган. Айниқса, "Садди Искандарий" дostonининг "Муҳолифат" номи ҳикматга йўрилган бобида "тўфон" ва "вайронлиги" тисмоли бўлган адоват ҳамда унинг салбий оқибатлари ҳусусида жиддий фикрларни баён қилган. Жумладан, адоват фақат аҳли санъат аро эмас, балки аҳли давлат, давлат арконлари аро ҳам борлигидан куйиниб оғохлан-тирган. Бу поэтик лавҳада даҳо шоир хонадони қадим атамасидан жуда ўринли фойдаланган ҳамда мазкур тушунчада ўз фикрларининг башорат мазмунинида эканлиги ишонтира олган. Фақиҳ Навоий адоват неча минг асрлар давомида давлатни бошқарган хонадони қадимнинг бузилишига, вайрон бўлишига олиб келади, деган аччиқ ҳақиқатни шундай бадий талқин қилади:

Топар кўп киши ул адоватда бим, Бузулур бaсe хонадони қадим. Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур — Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур. Навоийнинг бу каби эслатма, маълумотиға ҳамоҳанг хабар ва маълумот Бобурнинг муҳташам "Бобунома"сида, "Маҷолис ун-нафоис"ни форс тилига ўнгирган

моҳир таржимон Фаҳри Ҳиравийнинг "Равзат ус-салотин" тазкирасида ҳам учрайди.

Фақиҳ — ислом ҳуқуқшунослигига оид атама. Фақиҳ дақиқ фаҳми, яъни муайян бир нарсани энг нозик жойларигача яхши тушунишни англатади. Шариат истилоҳига кўра эса, шаръий далиллардан фаръий ҳукмларни чиқаришга "фақиҳ" дейилади. Илми фақиҳ ислом динининг йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари тўғрисидаги ҳуқуқ илми, ислом қонуншунослигидир. Муҳаммад с.а.в. ҳам фақиҳга юқори баҳо берган. Чунончи, Муовия розияллоху анҳудан ривоят қилинади: "Набий соллаллоху алайҳи васаллам: "Оллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динида фақиҳ қилиб қўяди", дедилар".

Навоий лирик ва насрий асарларининг матнида "фақиҳ" атамасини илм-фан маъносида маҳорат билан қўллаган. "Фарҳод ва Ширин"нинг Шоҳғариб Мирзога бағишланган бобида ҳукмдор ҳар нарсанинг



моҳиятини билиш учун фақиҳ, ҳадис, тафсири, тиб, тарих, ҳикмат каби илмларни пухта эгаллаши кераклигини шахзодага уқтирар экан, диний илмлардан бўлиши фақиҳга алоҳида эътибор қаратади:

Бун дин илмики, хома қилди таҳрир, Эррур фикҳу ҳадису сўнгра тафсир.

"Лайли ва Мажнун"нинг Ҳусайн Бойқарога бағишланган бобида ҳам фақиҳнинг аҳамиятини юксак баҳолаб, Султонни бу илмнинг билимдони сифатида кўрсатади. Шунингдек, "Сабаъи сайёр"нинг Абдурахмон Жомийга бағишланган 7-бобида устозини фақиҳ донишманди сифатида таърифлаган.

"Маҷолис ун-нафоис"даги Хожа Фазлulloх Абуллайс Самарқандий зикрида фақиҳ фан маъносида қўлланган бўлса, Мир Ихтиёрдин зикрида унинг икки фандаги салоҳиятини қадрлаб, "Арабияти ва фикҳи таъриф қилгунча бор", деб ёзар экан, олимни арабияти фанида қанчалик моҳир ва билимдон бўлса, фақиҳ илмида ҳам шунчалик билимдондир, деб китобхонга таништирган: "Мир Ихтиёрдин яхши таълиғ, яхши тавриғ йигитдур... Арабият ва фикҳи таъриф қилгунча бор, дерларки, бир тасниф илгидадурким, туганса маълум булурки, не миқдор салоҳияти бор". Маълумотга диққат қилсак, устоз Навоий унинг қўлида фақиҳ фани билан боғлиқ бир тасниф борлигини, агар тасниф асарини яқунласа, яна бир бор "не салоҳияти бор"лигини намоён қилишини таъкидлаган.

"Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида эса Садруддин Равосий зикрида устози сифатида яна Хожа Фазлulloх Абуллайсини эслар экан, шундай ёзади: "...Самарқанд дорул-илмининг олим уламоси эрди, эҳду тақвода назир йўқ эрди ва фикҳда Абу Ҳанифаи соний дерлар эрдиким". Маълум бўладики, Навоий асарларидаги фақиҳ тушунчаси атама сифатида даярли бир маънода қўлланилган бўлса-да,

баъзи ўринларда маъно кўчиши асосида ҳукмдорлар, машҳур фақиҳларнинг фақиҳ фанига қўшган ҳиссаларига ҳам ишораларни аниқлаш мумкин.

Қузатишларимиз шуни кўрсатадики, Навоий "Хамса" дostonлари матнида фақиҳ атамасини, биринчидан, ҳадис, тафсир атамалари билан даярли ёнма-ён ишлатган бўлса, иккинчидан, ушбу атамани кўпроқ ҳукмдору шахзодалар, улуг сиймолар мадҳ қилинган насрий баён ва поэтик тасвирларда санъаткорона қўллаган.

"Фақиҳ" сўзига луғатларда мусулмон қонуншунослиги илмининг билимдони, ҳуқуқшунос олими, деган қисқа ва лўнда таъриф берилган. Навоий "Хамса" дostonлари матнида бу атамани бошқа асарлари матнига нисбатан кўп қўллаган. Жумладан, "Лайли ва Мажнун"нинг "Ҳусайн Бойқаро мадҳида" номи 7-бобида шохнинг фақиҳлар билан фақиҳ илми масалалари юзасидан қилган суҳбатлари, мажлислари, бу мажлису суҳбатларда уларнинг Султон Ҳусайн Бойқаро айтган масалаларни шарҳлаб, изоҳлаб фақиҳларнинг рисола, китоблар ёзишлари ва бу ҳаракатлари билан шох ҳам, фақиҳлар ҳам Абу Ҳанифа руҳини шод этишлари ҳақида тўқилганиб ёзган:

Базми аро ҳар фақиҳи моҳир, Бир масъала қилди эрса зоҳир...

Ҳар ердаки, ул дебон масойил, Андин фуқаҳо ёзиб расойил...

Ҳар нуқтаки, кўргузуб вузўҳин, Шод айлаб Абу Ҳанифа руҳин.

"Маҷолис ун-нафоис"даги машҳур фақиҳ Хожа Фазлulloх Абуллайс Самарқандий зикрида тўрт нафар фақиҳ номи очик ва яширин талмеҳ санъати асосида ёдга олинади: биринчиси — устози фақиҳ Абуллайс Самарқандий, иккинчиси — фақиҳ Абуллайс авлодлари, учинчиси — фақиҳлар аввали Абу Ҳанифа, тўртинчиси эса муаллифнинг ўзи, яъни фақиҳ Навоийдир: "Хожа Фазлulloх Абуллайс — Самарқанд акобириндур. Фақиҳ Абуллайс авлодидиндур. Фақиҳда ани Абу Ҳанифаи Соний дерлар эрди ва арабиятда Ибн Ҳожиб каффасида тутарлар эрди. Саййид Шарифнинг шогирди эрди ва Саййид ўз хатлари била улуми дарс айтурға ижозатномалар анинг учун битиб эрди. Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, "фарзанд" дер эрдилар... Самарқанднинг аълами уламиси эрди".

"Насойим ул-муҳаббат"да "Агарчи фақоҳатқа машҳурдур", деб ўзгача таъриф билан ягона "Фақиҳ" нисба(унинг келиб чиқиши ёки касб-корини кўрсатувчи номи — Б.Р.ўи)га эга шайх Шайх Имомдуддин Фақиҳни ёдга олади. Ягона дейишимизга сабаб, Навоий тазкирада зикр қилган 770 нафар шайхнинг амир, хожа, мавлоно, бобо, ота, туркмон, курдий, боб каби нисба, уновон, куняларини кўп ўринда тилга олса, фақиҳ нисбаси билан фақат шайх Имомдуддинни таништиради, холос. Демак, Навоий тарихий сиймолар билан боғлиқ лавҳаларда ислом ҳуқуқшунослигига оид фақиҳ атамасини бор мазмун-моҳияти билан қўлаганини кўрамыз.

Навоий фақиҳни "Ғаройиб ус-сиғар" девонидан жой олган 7 байтти "қаро" радиқли ғазал матнида "эй фақиҳ" шаклида, биринчидан, ёйққ ундалма сўз сифатида, иккинчидан эса, риторик мурожаат санъатида усталик билан ишлатган. Яъни баъзи нопок фақиҳларни фақиҳ тизимидаги фаолиятларидаги макр, фириб, ноҳолислик, адолатсизлигини танқид қилиб, покликка, адолатга, ҳақликка, молиявий ибодатга ундаб, шундай пурмаъно мисраларни ёзган:

Ғайрдин қилғил замиринг сафҳасин пок, эй фақиҳ, Тобакай қилмоқ фиребу макр ила дафтар қаро.

Хулоса шуки, Навоий асарлари нафақат ўзбек(туркий), балки форс, араб тиллари учун ҳам манба ва хазина ҳисобланади. У маҳорат билан қўллаган сўзлар, ибора ва бирикмалар ёки биз юқорида таъкид қилган қадим хонавода, фақиҳ, фақиҳ сингари тарихий-хуқуқий истилохлар даҳо шоир ва фақиҳ Навоий маҳоратидан хабар беради.

Буробия РАЖАБОВА, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтини етакчи илмий ходими

ХАЛҚНИНГ ЁЗУВЧИСИ ЭДИ

Ким эди у — Шароф Бошбеков деган зот? Унинг исми олдига аввал "драматург, ёзувчи", кейинчалик "машҳур, "кўзга кўринган", "забардаст" каби сифатлар қўшилди, охириги пайтлар "атоқли" сўзи ҳам ёзила бошлади. Ҳа, айтгандай, "атоқли" сўзидан кейин... "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" ҳам қўшилди. Унинг ўзбек маданиятига қўшган ҳиссаси катта, албатта. Ш.Бошбеков бутун вуҷуди, ақл-идроки, тафаккури билан Халқнинг ёзувчиси эди! Халқнинг жонқуяри, куйчиси, ҳимоячиси, чин маънода халқнинг ҳақсўзи эди У!

Уни билган, таниган, унга яқин бўлган одамлардан сўранг, ҳеч бўлмаса, Машраб Бобоевнинг Шарофга ёзган охириги хатини ўқиб кўринг: Чин дўст эди у. Бир-биридан чиройли, ақлли, меҳрибон қизларидан, невараларидан сўраб кўринг: Меҳрибон ота эди. Шунча йиллар умргузаронлик қилган, кейинги 21 йил унинг "дардига малҳам" бўлган, таянчи бўлган аёлидан сўраб кўринг: Ҳақиқий мард эди. Шарофнинг тўртта забардаст укаси бор, улардан сўраб кўринг-чи, дунёда бундай ака топиламанми?!

Мен Шарофни 1978 йилдан буён биламан. Ўшанда Қўқон шаҳар театрида ишлардим. Унинг "Тикансиз типратиканлар" пьесаси биринчи марта Қўқон театрида сахналаштирилган эди. Лекин ўзи билан кейинроқ танишганмиз. 1987 йил. "Темир хотин" пьесасини Ёзувчилар уюшмасида Шарофнинг ўзи ўқиб берди. Таниқли ёзувчилар, танқидчилар эшитиб ўтиришибди. Шароф ҳаяжон билан ўқиди. Аввалига биров "пиқир-пиқир" кулги бўлиб турдию, охирироғига келиб ҳамма жим бўлиб қолди. Кимдир жимликни бузди: "Ўзбек шунақаям гўлми, ўз хотинини ҳайдаб, темир хотинга уйланоқчи бўладиган аҳмоқми? Ёш экансиз, ижодингизни бундан бошламанг, халқингизни ерга урманг! Пьесадан қаҳрамонингизнинг темирга уйланоқчи бўлган жойини олиб ташланг!" — деди. Шароф шартта ўрнидан турди: "Олиб ташламайман!" деди. Таниқли ёзувчининг ранги оқарди. Ҳали ҳеч ким билмайдиган, танимайдиган драматургча ёзган пьесаси билан ҳам, жасорати билан ҳам ҳаммани лол қолдирган эди. Мен Шарофни айнан ана шу чокдан бери танийман. Ўшандан буён инсоний, ижодий принципларини бир мисолга ҳам ўзгартирмади.

1989 йил 24 апрель. Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳри. Ўрта Осиё ва Қозоғистон театрларининг "Наврўз-89" фестивали. "Темир хотин" спектакли муҳокамаси. Муҳокамада россиялик машҳур актёр Кирилл Лавров ва режиссёр Марк Захаров қатнашапти. Муҳокамани бутун иттифоққа машҳур бўлган кирғиз драматурги Мар Байжиев олиб борапти. М.Байжиев спектакль дастурини қўлига олиб: Ўзбекистоннинг Фарона: видео! театри: Муаллиф — халқ ёзувчиси Шароф Бошбеков, режиссёр деб, менинг номимга "халқ" сўзини қўшди. Ҳамма хайрон. М.Байжиев: "Овора бўлманг, у ерда халқ ёзувчиси деб ёзилган эмас, кеча кўрган спектаклимизда "Халқнинг ёзувчиси" деб яққол ёзилган. Бу спектакль ўз халқининг фарёдини бор овози билан баралла айта олган икки халқ ижодкорининг спектакли...", деди. Муҳокаманинг бундай бошланиши собиқ марказдан келган танқидчилардан бирига ёқмади. У: "Бизгаям сўз берасизми?" деб лўкма ташлади. Сўз берилгач, "Бундай ҳавойи мактовлар нимага керак, спектаклни муҳокама қилайлик. Оддий маиший комедия, тўғри, анчагина кулгили... Хўш, нимаси "жиддий" бу комедиянинг? Мен тушунмадим...", деди. Байжиев унга: "Сизнинг тушушингизга ҳоҳат ҳам йўқ, чунки тушунмайсиз. Бу сизнинг фожиангиз эмас, бизнинг — Ўрта осиёликларнинг фожиаси",

ТЕАТР САНЪАТИ ФИДОЙИСИ

Моҳир педагог, актёр ва режиссёр, драматург, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор сифатида Жўра Маҳмудов бутун умрини ўзбек театри ривожига бағишлаган фидойи инсонлардан эди. Зеро, ўзбек театрининг бугунги кундаги ижодий ютуқларини бу билимдон, меҳнаткаш, самимий инсоннинг хизматларисиз тасаввур этиш мушкул.

Ўз касбининг билимдони бўлган ҳар қандай инсон ортида, шубҳасиз, устознинг хизмати туради. Шу жиҳатдан Жўра акани бемалол бахтли шогирдлар сафига қўшиш мумкин. Сабаби, Ж.Маҳмудов ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг драматик театр режиссёрлиги мутахассислиги бўйича Ўзбек миллий театрининг асосчиси Манон Уйғурнинг садоқатли шогирди, Ўзбекистон халқ артисти Тошхўжа Ҳужаев устахонасида таҳсил олган эди. Ўқини тугатгач, театрларда, телевидениеда режиссёр сифатида қўллаб асарларни сахналаштирган, ҳар бир спектаклнинг бадий-ғоявий юксаклиги, таъсир кучини оширишда тасвирий, музикаий, техник воситалардан унумли фойдаланган. Шу-нингдек, устоз ижодкорнинг пьесалари пойтахт ва вилоят театрларида муваффақиятли сахналаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ж.Маҳмудовнинг "Адолат кун", "Овсинлар", "Сохибжамол", "Садоқат", "Осмондан танга ёққан кун", "Томчи", "Алпомиш", "Иккивойи Бешов", "Шум бола" ҳамда "Бекат" каби кино ва ҳикоялари, пьесалари китоб-

деди. Жимлик чўқди. Жимликни Шароф бузди. Ҳалиги танқидчи-га қараб: "Спектаклда айнан сиз марказдан келганлар учун яна бир муҳим образ бор эди, сиз уни кўрмадингизми?" деди. "Яна қандай образ?" хайрон бўлди танқидчи. Шароф: "Кремль деган образ бор эди спектаклда, у кўзингизга чалинмадими?" деди. Танқидчи хайрон бўлиб атрофга мурожаат қилди: "Қанақа Кремль? Ким кўрди Кремлни?" Шунда Марк Захаров: "Мен кўрдим. Сиз биров ўзингизни босиб олинг. Агар билсангиз, бу маиший ҳаётга бутун миллатнинг фарёди жойлаштирилган. Бу миллат фарёдини Кремль зшитсин демоқчи", деб танқидчининг оғзини юмди.

Ўша йили кузда "Темир хотин" спектакли Москва телевидениеси орқали иттифоққа намойиш қилинди. Шароф иккаламизни спектаклни эфирга тайёрлашда ёрдам бериш учун чақирди. Асар таъсирини кескинлаштириш мақсадида бир неча кичик-кичик кўринишлар киритгандим. Улардан бирида Кўчқорнинг болалари пахта даласида этаклар тақиб, ёмғир остида дирдираб туришади. Тепадан учиб ўтган самолётга:

Самолёт, самолёт, қанотингни пастлаб ўт, Қанотингга хат ёзсам, Кремлга ташлаб ўт —

деб ашула айтишарди. Марказий телевидение раҳбарлари бу кўринишни қабул қилгнмади. Тортишдик. Шароф шартта ўрнидан туриб студиядан чиқиб кетди. Мен ортидан чиқдим. "Кетамиз, Олим ака. Агар айнан шу кўринишни олиб ташласан, умуман кўрсатмай қўя қолишин", деди. Авзойимизни кўриб, улар кўнишди. Спектаклни кўрсатишди, лекин ўша кўриниш олиб ташланган эди. Ўшанда Шарофнинг фигонини кўрсангиз эди. Мана шундай пайтларда Шароф бутун борлиғи билан, бутун моҳияти билан яққол кўринарди. У ноҳақлик, ёлгон, ўртамёналик билан мутлақо келишолмасди, қийналарди, жунбушга келарди. Бундай мисолларни кўплаб айтишим мумкин.

Ўтган йил баҳорида Муқимий номидаги музикали драма театрида Шароф Бошбековнинг "Зўрдан зўр чиқса" комедиясини сахналаштирдим. Бу Шарофнинг пьесалари асосида сахналаштирган ўн иккинчи спектаклим премьераси эди. Шароф бир пайтлар менга атаб тўрт қатор ҳазил шеър ёзган:


Ёмон пьеса келиб қолса қочолмайсиз, Яхшисига етиб олгудай чополмайсиз. Қўйинг ўша Санд Аҳмаду, Шукруллони, Мендан яхши драматургни тополмайсиз.

Мен ҳурмат қиладиган драматурглар ҳафа бўлишмасин. Ростдан ҳам Шарофдан ўтадиганини тополмадим.

Шарофнинг айтишича, биз иккаламиз узоқ йиллар бир-галикда ҳамнафаслик қилдик. Илло Ўратганини иродаси билан бу ҳамнафаслик ҳали давом этади. Шароф Бошбековнинг пьесалари ҳали узоқ йиллар театрларимиз сахналарининг тўрида бўлади. Агар умр берса, Шарофнинг яна бир неча пьесаларини сахналаштириш ниятим бор.

Дийдор энди қиёматга қолди! Охиратингизни Оллоҳим нурларга тўлдирсин, ҳамнафасим!

Олимжон САЛИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби



кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси қошидаги Бадий кенгаш раҳбари сифатида ҳам ёшларга ўрнак бўлди. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" жилдларида, "Театр", "Мозийдан садо" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ва бошқа нашрларда, чет эл матбуотларида устознинг кўплаб мақолалари чол этилган. Жўра Маҳмудовнинг жамоат ишларида фаоллигини алоҳида эътироф этишимизнинг сабаби шундаки, устознинг тинимсиз хизмат сафарларида бўлиши, қимматли маслаҳатлари, олиб борган ижодий изланишлари ўзбек театр санъатининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Театр санъатининг билимдони, меҳрибон оила бошлиғи, бир сўз билан айтганда, юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлган Жўра Маҳмудовнинг хоти-раси дўстлари, яқинлари, шогирдлари қалбида абадий яшайди.

Иброҳим Йўлдошев, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ректори

Галерея:

Алишер Навоий.
"Занжирбанд шер".Маҳмуд Музаққиб.
Алишер Навоий сурати.Камолитдин Бехзод.
Ҳусайн Бойқаро сурати.Жавлон Умарбеков.
"Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшиги" (1968).

ЁШЛАР ОВОЗИ



СОЧЛАРИНГА ОҚ ТУШДИ

Дунё ўзгармаган, замон ҳам ўша.
Уйлар ўша-ўша, ташвишлар қўша.
Мени савол қийнар ва бир андиша –
Сочларинга қачон оқ тушди, она?

Тузуқ қаролмабман юзларингга ҳам,
Мени деб неча тун бўлган кўзинг нам.
Бўлди, озорларга бергин-да барҳам,
Сен ҳам ўзинг учун яшагин, она!

Кўзларинг толиқиб қолибди анча,
Менинг ташвишларим қийнаган қанча.
Рози бўл, ғам еган кунингни янча,
Бахтли бўлмоқ учун яшагин, она!

Мендан ортиб битта қўйлак олдингми?
Беркитиб қўйганинг селга солдингми?
Мен юрт кезаяман, сен уйда қолдингми?
Уйнинг бурчагидан чиқкин бир, она!

Оёқларинг оғриб толиқиб қолса,
Чарқоқларинг ортиб уйку йўқолса,
Йиллар кўзларингнинг нурини олса,
Шунда ҳам болам деб яшайсан, она!

Термулиб тураман юзларингга гоҳ,
Омонат жонлигинг этасан огоҳ:
"Ўзи паноҳида асрасин Аллоҳ",
Байтуллоҳга қачон борасан, она!

Сенинг ўрнинг бўлак, босолмас ҳеч ким,
Сен бўлсанг, ғам-андух олади тиним.
Сочингданги оқни суймайди жиним,
Мен учун қаримай яшагин, она!

Қайгадир қочишни истадим, аммо
Ўзим ўзимдан ҳеч қача олмадим.
Ўзим, ўзлим ҳам жуда муаммо,
Эҳ, беғубор болаликда қолмадим.

Кетишни истадим қай бир манзилга,
Кимсасиз, сокин бир макон изладим.
Ўзларингнинг ҳар дам олиб ҳазилга
Ўзим-ла қолдим, яна бўзладим.

Оғир ботди менга, жуда ҳам оғир
Нокаслар ёнида одамдек яшаш.
Негадир юрагим безабон оғир,
Сиздек яшолмадим, мен ўзга қараш.

Ҳар тунда қайгадир келади кетгим,
Виждон билан қолгим келмайди, нетай?
Кимсасиз манзилга бир кун етгим,
Иззатсиз бўлмасдан ҳозирдан кетай...

Раъно ПАРДАБОВА,
Чирчик давлат педагогика
институтини талабаси

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини раҳбарияти ва жамоаси
филология фанлар доктори, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган халқ таълими
ходими

Ёрмат ТОЖИЕВнинг
вафоти муносабати билан унинг оила
аъзоларига чуқур ҳамдардлик бил-
диради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
жамоаси уюшма аъзоси Маматкул
Ҳазратқулбоғга турмуш ўртоғи
Дилдор МАВЛОНБЕКОВанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳам-
дардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
уюшма поликлиникаси шифокори
Латофат Раҳимовага онаси
ИНОБАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳам-
дардлик билдиради.

Ўткир Болта — адабиётшунос, санъатшунос, тилшунос, файласуф.

Асосан, оғзаки (ҳар ўн йилда фавкуллодда бир маротаба ёзма) фаолият олиб боради.

Адабиётшуносликка онд "Адабиётда турфа "...изм"ларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалиши тенденциялари", "Эшмон Малла ижодида муаллифнинг ўз образи", "Э.Малла. "... ("Уч нуқта") романи қандай ёзилди? Кузатув. Таҳлил. Танқид", "Модерн ва постмодерн шеърятда тиниш белгилар ва ҳар хил геометрик фигураларнинг ўрни", "Постмодерн дунёда онг ости ва онг усти мулоҳазалар ўртасидаги нозик фарқнинг сентиментализм шароитида юзага келиш тамойиллари ва унинг ижодкор шахсиятига таъсирининг баъзи хусусиятларини аналитик ўрганиш муаммолари. Қайсики, ёзувчи Э.Малла ижоди мисолида. Монография", тилшуносликка доир "Сўроқ белгиси қай ҳолатларда ишлатилади?", санъатшуносликка бағишланган "Бардамкул Бақироқ овозини неча қақиримдан эшитиш мумкин?" каби долзарб мавзуларда чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқчи бўлган. Лекин... ҳали олиб бормаган.

Инглиз, испан, ўрис, қарис, япон, ҳинд, урду, бенгал тилларини, ўзи айтмоқчи, "сув қилиб ичиб юборган" адиб таржимон сифатида Сервантес, Свифт, Толстой, Чехов, О'Хенри, Ремарк, Тагор, Маркес ва бошқа адибларнинг асарларини аслиятдан ўтирмоқчи бўлган. Бироқ ҳар гал "Бу билан ўқувчиларнинг тил ўрганишига бўлган қизиқишини сўндириб қўймасмиканман..." деган ички бир ҳадик, андиша туфайли фикридан қайтган.

Айни пайтда бирданига 36 шоир ва ёзувчи ижодида доир жиддий тадқиқот олиб бормоқда. Тафрактурида фавкуллодда эврилиш юз бериб қолмас, умри давомида, ниҳоят, бир ишни охирига етказиб, илм дунёсида "инқилоб" қилиш истагида.

— Ўткир ака, кейинги пайтларда Келди Қора номи одамларнинг оғзидан тушмай қолди.

— Ҳўш?
— Фикрингизни билмоқчи эдим.
— "Келди номи одамларнинг оғзидан тушмай қолгани"гами?

— Узр саволини конкретроқ бера қолай. Шоир Келди Қоранинг "Богда

булбул сайрайди" номи янги китобини ўқигандирсиз? Унда шоир ёзадики...

— Тўхтанг, тўхтанг, ука! Бир нарсани келишиб олайлик. Каминани адабиёт ҳақида суҳбатлашамиз, деб қақирган сиз бўласизми?

— Албатта... Янглишмасам, саволлар ҳам адабиётга...

— Ҳўп, лекин тушунтириб беринг-чи, Келди-двойнинг адабиётга қандай дахли бор?

— Нималар деяпсиз? Ахир, ўзим санаб чиқдим, қирқ олти хонанда Келдининг беш юз элликта шеърини қўшиқ қилибди. Ҳали "саундтрек"ларни санаққа қўшганим йўқ...

— Статистик маълумотларингиздан реал инсон эмас, аллақандай афсонавий қаҳрамон хусусида гапираётгандайсиз...

— Гап "Соғинччи соғинган соҳир сўзларим", "Одам бўлгин, эй инсон!" шеърини тўпламлари муаллифи, шоир Келди Қора ҳақида бормоқда!

АДАБИЁТ ЎРТАСИДАГИ ОДАМ

Танқидчи Ўткир Болта билан суҳбат

— "Соғинччи соғинган соҳир сўзларим"?!
— (Оқ оралаган қошлари чимирилади, лича сукутдан сўнг): — Ўзи-чи, ука, тунов кун сўраганингизда жавоб бермагандим, каминанинг адабий жараёндан бир қадар узоқлашиб қолганига сабаблардан бири ҳам шу: алмойи-алжойи гаплар урчиб кетаяпти! Нима дегани: "Соғинччи соғинган соҳир сўзларим"? Бу шеър эмас, қип-қизил тез айтиш-ку!

Яқинда телевизорда бир хушовоз хотин ўқиб қолди: "Келсам, юрагингиз гул қилиб тўшанг, ўлсам, кўзларимни кўзmunчоқ қилинг!". Тавба, юракни гул қилиб тўшанг эмиш! Нима, у кўрпачами, ерга тўшайсан? Кейинги гапини қаранг: "Кўзларимни кўзmunчоқ қилинг!" Бунақамас-да энди! Ҳамма нарсая эми билан.

Ёки, мана, сиз ҳам ўқиган одамсиз, айтинг-чи, кўзmunчоқ одамнинг кўзидан ясаладими?

— Ўткир ака, шеърятда поэтик кўчим, истиора, метафора, ташбеҳ деган тушунчалар бор... Буни биздан кўра сиз яхшироқ биласиз...

— Тўғри, лекин сиз ҳам тушунинг-да, ахир, фикр, яъниким, айтилмоқчи бўлган

гап — асарнинг жавҳарини ташкил этиши керак эмасми? (Қаранг, мен ҳам "поэтик кўчим"га солиб гапиряпман!). Истиора-метафора, ташбеҳ деганлари мисоли туз. Асло масаллиқнинг ўзи эмас. Ундан овқат қилиб бўлмайди. Қилсангиз ҳам, у намакоб бўлади. Намакобни еб бўладими?

— Раҳмат, Болта ака! Сизнинг тафаккур сандигингиздаги қўйма мулоҳазалар адабиёт муҳаббати учун қимматли, албатта. Лекин уларни айнан Келди Қора ҳақидаги фикрларингиз қизиқтиради...

— Хуллас, Келди ҳақида гапирмасам ёқамни қўйиб юбормайсиз, шекилли. (Қўлади). Дуруст. Майли, аввало, бир ҳақиқатни яхшилаб англаб олайлик. Қора деганамиз ким ўзи? У бир артис-ку. Келинг, бу боланинг адабиётга алоқаси бор-йўқлигини "Богда булбул сайрайди" тўпламидаги қуйидаги тўртлиги мисолида кўриб чиқамиз.

Богда булбул сайрайди,
Унда ёрим уйнайди.
Доим мени ўйлайди,
Лекин мени севмайди.

Қаранг-а, "Богда булбул сайрай" миш. Майли, бу сатрга тегмаймиз. Чунки у Қоранинг калласидан чиққан эмас. Булбулнинг богда сайраши минг йиллик гап. Иккинчи мисра: "Унда ёрим уйнайди". Савол: лирик қаҳрамоннинг ёши неччида ўзи? Агар у Қоранинг ўзи деб фараз қиладиган бўлсак, камиди қирқ беш-эллик ёшлардаги кимса. Шунда, демак, "ёр"и ҳам тахминан қирқларни уриб қўйган чиқади. Тасаввур қилинг, ўша жувон богда ўзича қилпанглаб юрипти. Ҳўш, сиз бу хоним ҳақида қандай хаёлларга борасиз?

Навбатдаги сатр: "Доим мени ўйлайди". Шу ҳам гапим?..

Сўнгги қатор: "Лекин мени севмайди". Бу жумла шеърнинг аввалги мисраларидан олган бор таассуротни тўзатиб юборади! Доим уни ўйлайдиган ёрнинг аслида севмаслиги... Бунақасига менман деган кашфиётчилар ҳам тан берса керак. Умуман, кимдир "Келди Қора шеърларида мантиқ-

сизлик феномени" деган мавзуда илмий иш қилса, ошиғи олчи. Унга тадқиқотини мазкур шеърдан бошлашни тавсия этган бўлардим.

— Дўстингиз Эшмон Малла яқинда турли гап-гаштак, тўй-ҳашамларда сўзлаган табриклари, маърақа-маросимларда оғзидан чиққан ҳикматли сўзлар, ошна-оғайниларига йўллаган ва улардан келган SMS-хабарларни жамлаб ўқувчиларга тўхфа этди...

— Ўх-ху, ўқувчилар Малланинг шу гапларига жа-а маҳтал экан-да, а! Китобга дўстимнинг сўкиш-қарғиш характеридаги жумлалари ҳам киритилибдими?

— Шунақароқ оҳангдилари ҳам йўқ эмас. Айниқса, Ҳосил Тўра, Келди Қора ҳақидаги жажжи нафратномаларда бу нарсая бўртиброқ тургандай...

— Ҳа, бир суҳбатда кўзим тушгандай бўлудди-я: "Тўпламчи шоғирдимиз Толлибой Тўнаров каминанинг йўталини ҳам қоғозга тушириб юрипти. Китоб-питоб қилса ке-



рак-да" деганди билмасликда олиб. Писмиқ-да! Майли, ниятига етсин!

— Ҳа, энди, Ўткир ака, ҳаммамиз ҳам умидвор бандамиз.

— Тўғри. Мен ҳам гоҳида ўйлаб қоламан, шундай одамларнинг адабиётда юрганим тузуқ бир томондан. Адабиёт — кенг майдон бўлса...

Фақат-чи, укажон, бизни... яъниким, ижод аҳлини назарда тутаяпман, вақти-вақти билан ўқиб ҳам туриш керак, нуқул интернетдаги гапларга тикилавермасдан. Ўқимаганинг, биринчидан, ўзига зиён, тўғрими? Дунё шу экан-да, деб pista қақиб, қавшаниб юриверади. Аммо одамзод кун ўтарга яшамайди-ку! Ё гапим нотўғрими?

ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
— жисмоний шахслар учун СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Таклифи маъқул топишган талабдорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш кунини ичиди сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич баҳосини 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани зақалат сифатида "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртарик кўчаси, 11/2-уй.

Тел: (95) 199-12-21, (95) 195-12-21. www.kmsx.uz. Электрон почта: ko'chmasmulk@mail.ru.

Лицензия RR-0001





O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош
муҳаррир
Салим
АШУР

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-56-40; Назм ва наср бўлими: 233-58-60.

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъуа котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Ҳафта 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидаги томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Алади - 925. Буюртма Г - 244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрастани - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Босиниға топириш вақти - 21.00.
Босиниға топиришди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2181-134X
4772161134000